БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 168 (18.346). • Пайшанба, 1982 йил 22 июль • Баҳоси 3 тийин.

КРЕМЛДА СУҲБАТ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов амалий визит билан Москвага келган Италия саноат эгалари конфедерацияси (конфиндустрия) президенти В. Мерлонини 20 июль куни Кремлда қабул қилди.

Суҳбат вақтида барқарор ва доимий тус олган Совет—Италия иқтисодий алоқаларининг эришилган даражасидан мамнуният билдирилди ва бу алоқаларни ўзаро фойдали асосда янада кенгайтиришга томонларнинг тайёр эканлиги изҳор этилди.

Савдо соҳасида халқаро ҳамкорлик йўлида вужудга келган сунъий тўсиқларнинг бартараф этилиши жаҳонда вазиятнинг умуман соғломлашувига, турли ижтимоий-сиёсий системаларга мансуб давлатлар ўртасида яхши қўшничилик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қўшилган муҳим ҳисса бўлур эди, деб қайд этилди.

Суҳбатда ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари Н. Д. Комаров, СССР-нинг Италиядаги элчиси Н. М. Луньков, шунингдек «Мерлони» компаниясининг президенти, Италия парламенти депутати Ф. Мерлони ва Италиянинг СССРдаги элчиси Ж. Мильюоло иштирок этдилар. (ТАСС).

РЕСПУБЛИКА БИЛАН ТАНИШМОҚДА

Республикада меҳмон бўлиб турган Халқаро денгиз ташкилотининг бош секретари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретарининг ўринбосари Ч. П. Шривастава Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

21 июлда Ч. П. Шривастава ҳамда унга ҳамроҳ бўлган кишилар Тошкент билан, унинг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилишлар билан танишдилар, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар, Л. Б. Шастри уй-музейида бўлдилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Советида, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида суҳбат бўлиб ўтди. (ЎзТАГ).

БИЗ—СОВЕТ ХАЛҚИМИЗ

Бугунги кунда ягона оила ҳис-туйғуси қалбларимизда яшаб келаётган Ватанга муҳаббат билан, унинг зафарларидан фахрланиш билан чамбарчас қўшилиб кетган. Бундай ҳис-туйғу рус ва украинга, белорус ва қозоққа, тожик ва эстонга, бошқирд ва ёқутга — юздан ортиқ миллат ва элатлардан иборат бўлган биз, ватандошларнинг ҳаммамизга хосдир. Биз миллионлармиз, бироқ ягонамиз, биз одамларнинг янги бирлигини вужудга келтирдик, унинг номи — Совет халқи.

Бизнинг бирлигимиз олмос мисол мустаҳкам. Худди олмос ўзининг турфа рангли қирралари билан товланиб турганидек, совет халқининг бирлиги ҳам миллатларнинг ранг-баранглиги билан ёрқин жозиба касб этади, бу миллатларнинг ҳар бири бой, тўлақонли ва бахтли ҳаёт кечирмоқда. Улар шонли юбилей — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигини аҳил оила бўлиб қаршиламоқдалар, ўзларининг бутун куч-ғайратларини КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми тарихий қарорларини амалга оширишга, юбилей йили ва умуман беш йиллик планларини бажаришга қаратмоқдалар. Бу оиланинг ҳамма аъзолари тенг. Уларнинг меҳнати, уларнинг ташвиш ва қувончлари, уларнинг ютуқ ва орзулари муштаракдир.

«ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг тарихий аҳамиятини, мамлакатимиз барча миллат ва элатларини интернационал жипслаштиришда ишчилар синфининг, КПССнинг ролини ғоявий таъсирининг барча воситалари билан кенг кўламда кўрсатиш лозим», — дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Грузия ССР партия ташкилотларининг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига тайёргарлик кўриш борасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишлари тўғрисида»ги қарорида. Бу қарорнинг қабул қилиниши халқларимиз бирлигини мустаҳкамлаш борасида партия кўрсатаётган ғамхўрликнинг янги ифодаси бўлди.

Халқларнинг ленинча дўстлиги жанг жадаллар оловида синовдан ўтди, бунёдкорлик кунларида мустаҳкамланди. Магнитка, Турксиб, ДнепроГЭС, қўриқ — булар мамлакат таржимаи ҳолидаги шунчаки сатрлар эмас. Меҳнат кишиларининг буюк қардошлиги, ягона оила ҳис-туйғуси биргаликда ишлаш ва курашишда чиниқди, мустаҳкамланди, совет халқи шаклланди. Бу одамларнинг тарихан янги социал ва интернационал бирлигидир .У — ҳўжалик ва бутун ижтимоий ҳаётнинг тобора ўсиб бораётган интернационаллашуви, мамлакатимиздаги социалистик миллатларнинг ривожланиши натижаси бўлиб, бу миллатлар ўртасида чинакам тенг ҳуқуқлилик, қардошларча ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик, ҳурмат ва бир-бирига ишонч муносабатлари қарор топгандир.

Совет кишилари биз яқинда қабул этилганлигининг беш йиллигини нишонлайдиган СССРнинг янги Конституциясини ривожланган социалистик жамият ҳаётининг Асосий Қонуни деб атадилар. Унда социалистик демократиянинг жуда катта ижодий имкониятлари зўр куч билан яна бир бор ўз аксини топди.

Барча миллат ва элатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун ғоят қисқа муддатларда шу қадар кўп иш қилган бизнинг социалистик Ватанимиз каби давлат тарихда ҳеч қачон бўлган эмас. Миллий чекка деган тушунча ўтмиш бўлиб қолди. Чор Россиясининг чеккаларида яшаган халқлар йигирманчи асрга кеч қолиб, феодал, балки ҳатто уруғчилик тузумининг қолдиқлари билан қадам қўйган бўлсалар-да, улар мамлакатнинг бошқа халқлари, энг аввало рус халқининг беғараз ёрдами билан тараққиёт сари катта сакраш қилдилар.

Бугунги кунда Совет республикалари иқтисодий ривожланиш даражаларини тенглаштириш асосан ҳал этилган. Уларнинг экономикаси ягона хўжалик комплексига қўшилиб кетди. Умумиттифоқ муаммоларини ҳал этишда ҳар бир миллатнинг роли ўсмоқда, ҳар бир миллат манфаатлари совет халқининг умумий манфаатлари билан тобора мустаҳкамроқ боғланиб кетмоқда. Бизнинг йўлимиз, деб таъкидланади КПСС XXVI съезди ҳужжатларида, — ҳар бир республиканинг моддий ва маънавий потенциалини кучайтиришдан, айни пайтда ундан бутун мамлакатни ўйғун ривожлантириш учун фойдаланишдан иборатдир.

Сибирь, Узоқ Шарқ ва Шимол, Қозоғистон ва Урта Осиё табиий бойликларини ўзлаштириш, БАМ қурилиши, РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасини қайта қуришни барча республикалар меҳнаткашларининг куч-ғайратини бирлаштирмасдан туриб амалга оширишни тасаввур этиш қийин. Бу қурилишлар фақат ўз миқёслари билангина фарқ қилиб қолмайди. Бу ерда, кўп миллатли коллективларда меҳнат турли халқлар маънавий маданиятлари билан ҳам бойиди.

Мамлакатнинг собиқ чеккаларида саноатнинг ривожланиши билан бирга малакали миллий кадрлар ҳам ўсиб, воғга етди. Уларнинг қўли билан бугунги кунда программа ёрдамида бошқариладиган станоклар, атом реакторлари ва космик кемалар бунёд этилмоқда. Уз ёзувига эга бўлмаган халқлар орасидан истеъдодли олимлар ва ёзувчилар, врачлар ва инженерлар етишиб чиқди. Деҳқонининг социал қиёфаси, унинг турмуш шароити сифат жиҳатдан ўзгарди. Бизнинг жамиятимизда миллатларнинг бир хил социал-синфий структурасига эришилди — уларнинг барчаси ишчилар, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлиларидан ташкил топгандир. Улар ўртасидаги иттифоқ мустаҳкамланмоқда — Совет кишилари марксча-ленинча идеологиянинг, маънавий ва маданий бойликларнинг муштараклиги билан жипслашгандирлар.

Халқларнинг ленинча дўстлиги, совет кишисининг интернационализми турли қирраларда намоён бўлмоқда. Бахри ва Шоаҳмад Шомаҳмудовлар ўн олти болани катта қилдилар. Уларнинг ўзи ўзбек, асли тошкентлик бўлиб, фамилияларини олган болалар турли миллат вакиллари: ўзбеклар, руслар, татарлар, яҳудийлар, чувашлар, молдаванлардир. Уруш йиллари Бахри ва Шоаҳмад ўз ота-оналаридан жудо бўлган турли халқларнинг болаларини асраб олдилар, ҳаммасини оёққа турғазиб, одам қилдилар. Бу оиладан темирчи ва врач, шофер ва кончи, тикувчи ва инженер етишиб чиқди. Бугунги кунда амалдаги интернационализм — бу энг аввало мамлакатимиздаги барча халқларнинг умумий фаровонлик учун ҳалол, виждонан меҳнати, умумдавлат манфаатларини идоравий, маҳаллий манфаатлардан юқори қўя билиш демакдир.

Ҳуқуқ ва бурчлардаги, орзу-ўй ва муваффақиятлардаги тенгликкина халқларнинг самимий дўстлигини вужудга келтиради. Ривожланган социализм катта ва кичик барча миллатларга давлат ҳамда жамият ишларини бошқаришда тобора кенг ва бевосита иштирок этиш учун реал имкониятлар яратиб берди. Советларнинг барча бўғинлари составида мамлакатдаги юздан ортиқ миллат ва элатнинг вакиллари бор. СССР Олий Советига 61 миллатдан депутат сайланган. Совет кишилари халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловларда ўзларининг бирлигини, Коммунистик партия атрофидаги жипслигини янги куч билан намойиш этдилар.

Биз — совет кишиларимиз. Бу билан фахрланамиз. Чунки совет халқи, Леонид Ильич Брежнев таъкидлаб ўтганидек, ғоят меҳнатсевар, мард, чидамли, сахий қалб, истеъдодли ва донишманд халқдир. У ўз муваффақиятларидан кибрланмайди. Айни пайтда бу муваффақиятларни камситмайди ҳам. У бошқа халқларнинг қувонч ва ташвишларига ҳозиржавоб, адолат, озодлик, социал-тараққиёт учун курашда уларга ёрдам беришга тайёрдир. Совет халқи — чинакам буюк, қаҳрамон халқ!

(«Известия» газетасининг 21 июлдаги бош мақоласи).

«Правда» газетасининг саволларига Л. И. БРЕЖНЕВнинг жавоблари

САВОЛ: Сиз ҳозирги вақтда Ливанда ва унинг тевараги-да вужудга келаётган вазиятга қандай баҳо берасиз?

ЖАВОБ: Ливандан ҳар куни қаҳр-газаб уйғотувчи мудҳиш хабарлар келиб турибди. Ливан диёрида ёвузлик қилаётганлардан газабланмоқдалар. Минг-минглаб ливанликлар ва фаластинликлар босқинчилар қўлидан ҳалок бўлди, хунрезлик эса тўхтатилган эмас. Ливаннинг пойтахти Байрут вайрон қилинмоқда. Исроилнинг ҳаракатлари қирғинчиликдан бошқа нарса эмас.

Исроилнинг ўз босқинчилик агрессиясини ҳануз давом эттираётганлигига сабаб нима? БМТ Хавфсизлик Кенгашининг босқинчилар қўшинларини Ливан тупроғидан дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетишни талаб этаётган қарорларини Исроил назар-писанд қилмаётганлигига сабаб нима? Исроил жаҳон жамоатчилик фикрига эътибор қилмаётганлигининг боиси нима? Бунинг боиси шуки, номи ҳаммага яхши маълум бўлган давлат — АҚШ уни қўллаб-қувватлаб турибди.

Биз Совет Иттифоқидагилар фаластинликларнинг, Исроил ҳарбийларига қаттиқ қаршилик кўрсатаётган барча кишиларнинг мардлигига қойил қоляпмиз. Фаластин проблемаси қанчалик мураккаб бўлмасин, Фаластин халқи қандай қийинчиликларни бошдан кечирмасин, бундан қатъи назар бир нарса равшан: Фаластин проблемаси жуда ҳам чигал масала эмас, бу масалани зўравонлик билан ҳал этиб бўлмайди. Фаластинликлар шу қадар фожиали вазиятда кўрсатаётган сабот-матонат эса улар жонли халқнинг жонли ишини ҳимоя қилаётганликларини ва уларни енгиш мумкин эмаслигини янада зўр куч билан тасдиқлайди.

Шундай қилиб, муайян хулоса чиқариш мумкин: Исроилнинг агрессияси унинг учун катта сиёсий ва маънавий маглубиятга айланмоқда, Исроил халқаро майдонда тобора кўпроқ яккаланиб қолмоқда.

Буни Исроилнинг ўзида ҳам тушуна бошлаган кишилар сони ортиб бораётганлигини айтиб ўтиш керак. Совет Иттифоқи бир неча бор айтиб, ўтганидек, Фаластин давлатини вужудга келтириш Фаластин араб халқининг проблемасини ҳал этишнинг энг яхши, реалистик йўли эканлигини англаш ҳам бутун жаҳонда кенгайиб боряпти.

Ливандаги воқеалар совет раҳбарларининг доим диққат марказида турибди. Совет Иттифоқининг позицияси равшан: Ўруш олови ўчириши, агрессия тўхтатилиши керак, Исроил қўшинлари Ливан территориясидан чиқиб кетиши лозим.

Яна шуни ҳам илова қилиб айтаманки, бизнинг мамлакатимиз агрессор олдида бўйин эгмайдиган, бу регионда масалани адолатли ҳал этиш ва тинчлик ўрнатиш учун ҳаракат қилаётган кишиларга ёрдам ва мадад бериб келди, бундан буён ҳам уларни қўллаб-қувватлаб, ёрдам кўрсатаверади.

САВОЛ: Сизнинг фикрингизча, шу мақсадга эришмоқ учун биринчи навбатда қандай тадбирларни кўриш керак?

ЖАВОБ: Аввало, Исроил ва АҚШ БМТ Хавфсизлик Кенгашининг суверен Ливан давлатига қарши агрессияни тўхтатиш ҳақидаги ҳамда Исроил қўшинларини дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қарорини бажариши зарур.

Энг биринчи навбатда турган ва сира ҳам кечиктириб бўлмайдиган чора ҳақида гапирадиган бўлсак, Исроил қўшинларининг Байрутни қамал қилиб туришига чек қўйиш зарур. Биз бу йўлдаги биринчи қадам сифатида ғарбий Байрутни ҳимоя қилаётган кучлар билан Исроил қўшинларини бир-биридан узоқлаштириб қўйишга қарши эмасмиз.

Шу мақсадда БМТ кучларидан фойдаланиш мумкин бўлур эди. БМТ муваққат кучларининг қисмлари Хавфсизлик Кенгашининг қарорига биноан Ливанда турганлиги учун ҳам шундай қилиш мумкин. Америка қўшинларининг Ливан тупроғида пайдо бўлишига бундан буён ҳам қатъиян қарши чиқамиз, албатта. Биз бу хусусда огоҳлантириб ҳам қўйганмиз.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтишни истайманки, Исроилнинг ҳарбий авантюрасига қарши курашаётган кучлар нечоғлик кўп жипслашса, агрессияни жиловлаб қўйишни талаб этаётган давлатлар сони нечоғлик кўпайса, бу агрессияга шу қадар тез ва шу қадар муотаҳкам равишда чек қўйилади.

Очиғини айтсак, ҳозирги кескин вазиятда арабларнинг бирлиги жуда муҳим аҳамият касб этади. Биз қаттиқ ишонамизки, бу бирликка халқит берадиган нарсалар ҳозирги оғир пайтда бир чеккага йиғиштириб қўйилиши керак. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда араблар фаластинликларнинг хавф-хатарсиз яшаш, мустақил ривожланиш ва ўз давлатини вужудга келтириш ҳуқуқини таъминлаш учун лозим бўлган тадбирларни биргаликда белгилаб чиқишлари зарур эканлиги тобора аниқ ва равшан бўлиб қолмоқда.

Охирги масала. Ливанда бўлаётган воқеалар Яқин Шарқ проблемасини адолатли ва кенг кўламда ҳал этиш учун бутун масъулиятни сезган ҳолда жиддий иш бошлаш пайти келмадимикан, деган саволни беришга яна мажбур этади! Агрессия ҳуружлари ва ҳарбий можаролар билан тўлиб-тошган ўн йилликнинг ачинарли тажрибаси сепарат битимлар тузиш йўли каби қуролли конфронтация йўли ҳам Яқин Шарқ проблемасини ҳал этмади ва ҳал этиши ҳам мумкин эмаслигини кўрсатди. Бу проблемалар манфаатдор барча томонларнинг, шу жумладан, Фаластин халқининг бирдан-бир қонуний вакили бўлмиш Фаластин Озодлик ташкилотининг коллектив куч-ғайрати натижасидагина ҳал этилиши мумкин. Келажакка назар солар эканмиз, халқаро конференция чақириш тўғрисида биз киритган таклиф қимматли истиқболга эга эканлигини кўриб турибмиз. Бу конференция нечоғлик тез чақирилса, шу қадар яхши бўлади. Совет Иттифоқи Яқин Шарқда мустаҳкам тинчлик ўрнатишга ўз ҳиссасини қўшишни истаган барча кишилар билан ҳалол ҳамкорлик қилиб, бу йўлда амалий иш олиб боришга тайёрдир.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев ва Н. А. Тихонов ўртоқлар ЦБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси Войцех Ярузельскийга ва ПХР Давлат Кенгашининг Раиси Генрик Яблоньскийга табрик телеграммаси йўлладилар.

Телеграммада бундай дейилади:

Миллий байрам — Польшанинг тикланиш куни муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва бутун совет халқи номидан сизларга ва сизлар орқали Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетига, ПХР Давлат Кенгаши ва Министрлар Советига, Польшанинг барча меҳнаткашларига самимий қутловларимизни йўллаймиз.

38 йил муқаддам социализм йўлини танлаб олган поляк халқи ишчилар синфининг авангарди — Польша ишчилар партиясининг, шундан кейин эса Польша Бирлашган ишчи партиясининг раҳбарлигида халқ ҳокимияти йилларида салмоқли муваффақиятларга эришди. Социализмгина Польшага чинакам мустақиллик келтирди, чегараларнинг дахлсизлигини мустаҳкам гарантиялади, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиёт учун қулай шароитларни вужудга келтирди, Польшанинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксак даражага кўтарди.

Совет ва поляк халқларининг социалистик интернационализм принципларига асосланган мустаҳкам дўстлиги, тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги, ўртоқларча ўзаро ёрдами Польшанинг социалистик йўлдан ривожланишини таъминлаган муҳим омилдир. Бу дўстлик Россия ва Польша пролетариатининг муштарак революцион курашида вужудга келди. Бу дўстлик фашизмга қарши курашда биргаликда тўкилган қон билан мустаҳкамланди ва СССР билан ПХР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома тузилиши натижасида, ҳар икки мамлакатимизнинг ҳар томонлама ҳамкорлиги мустаҳкамлана борган сари янги мазмун билан бойиди. ПХР партия-ҳукумат делегациясининг шу йил март ойида Совет Иттифоқига қилган визити ва бу визит давомида аҳдномалар тузилганлиги катта аҳамиятга эгадир.

Халқаро вазият кескинлашган ҳозирги шароитда СССР ва ПХРнинг, социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатларнинг иттифоқчиликка асосланган муносабатлари тинчлик ва барқарорликнинг, Европада чегаралар ва урушдан кейинги тузум дахлсизлигининг муҳим омилидир.

Поляк коммунистлари, халқ Польшасининг меҳнаткашлари ўз байрами — тикланиш кунини мураккаб ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятда кутиб олмоқда. Империалистик марказлар рағбатлантириб, қўллаб-қувватлаётган контрреволюция кучлари меҳнаткашларнинг социалистик ғалабаларига, ПБИПнинг социализм қурилишидаги раҳбарлик ролига қасд қилдилар, Польша социалистик давлати асосларини хавф остида қолдирдилар.

Совет кишилари ПБИП ва ПХР ҳукуматининг марксизм-ленинизм принциплари асосида ишчилар синфи партиясининг жанговарлик қобилияти ва авангардлик ролини мустаҳкамлашга, партия аъзоларини, Польшада социализмнинг ҳамма тарафдорларини контрреволюциянинг узил-кесил тор-мор этиб, поляк меҳнаткашларининг халқ ҳокимияти ва социалистик ғалабаларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларини маъқуллайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар. АҚШнинг ва НАТОдаги бошқа мамлакатларнинг суверен Польша давлати ички ишларига сўрбетларча аралашувини қатъиян қоралайдилар.

Ички контрреволюция ва империалистик кучларнинг Польшада социализм негизларига путур етказиш, социалистик ҳамдўстликнинг бирлиги ва жипслигини заифлаштириш йўлидаги ҳамма ниятлари муқаррар барбод этилишига шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Варшава Шартномасида қатнашувчи ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг аъзоси бўлмиш давлат сифатида Польша Халқ Республикаси Совет Иттифоқининг, бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг тўла мадади ва қўллаб-қувватлашига тамомила ишона олади.

Польша тикланишининг 38 йиллиги кунида барча совет кишиларининг ҳис-туйғуларини ифода этиб, сизларга, азиз ўртоқлар, Польша коммунистларига, Польшанинг барча меҳнаткашларига ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни нормаллаштириш, мамлакатда социализм позицияларини мустаҳкамлаш ишида муваффақиятлар тилаймиз. (ТАСС).

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ **СУВЧИ**

Сув — зар, сувчи — заргар, дейди халқимиз. Ҳақиқатан ҳам бепоён далаларда саратон иссиғида дош бериб, меҳнат қилаётган, экиларни обиҳаётга қондираётган нозик касб эгалари — сувчиларни заргарга қиёсласа арзийди. Ғўзалар қийғос ҳосил тўплаётган, кўсаклар тўлишаётган шу дамларда сувчининг масъулияти янада ортади. Ҳозир барча хўжаликларда сувчилар сони кўпайтириляпти, уларга ёрдамчилар ажратиляпти, шогирдлар бириктирилмоқда.

Жиззах область Зарбдор районидаги «Совет Қорақалпоғистони» совхозида ҳам ғўзаларни суғориш уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Ҳар бир туп ғўза деҳқон ардоғида. Чўпқуварлар қийғос ҳосил тўплаётган ғўзаларни қалб қўри билан авайлаб парвариш қилишмоқда. Совхознинг 5-бўлимида 500 гектар майдонда пахта етиштирилаётир. Мўлжал ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш. 35 миришкор деҳқон ғўзаларга сув тарамоқда. Улар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Сувчилар ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилишяпти. Сифат комиссияси сувдан чиқарилган ҳар бир картани кўздан кечириб, қабул қилмоқда. Суратда: сувчилик касбини шарафлаётган миришкор деҳқон Зайнаб Тойлоқова.

А. Тўраев фотоси.

Чорвачилик — қишлоқдаги зарбдор фронт

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

19—20 июль кунлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида 1982 йилнинг биринчи ярми якунларига кўра гўшт, сут, тухум етиштириш ва тайёрлашда, чорва ва паррандаларни кўпайтиришда қолоқликка йўл қўйган колхоз ҳамда совхозлар раҳбарларининг, шунингдек район партия комитетлари биринчи секретарларининг ҳисоботлари тингланди ва муҳокама қилинди. Хўжайли районидаги Энгельс номли, Олтинкўл районидаги Ленин номли, Ўйчи районидаги Тельман номли, Навбаҳор районидаги «Москва», Иштихон районидаги «Правда», Охунбобоев районидаги «Победа», Гурлан районидаги «Қорақалпоғистон», Сариосиё районидаги «Ленинизм», Вобкент районидаги Тельман номли колхозларда, Пахтакор районидаги Ульянов номли, Ульянов районидаги Дзержинский номли, Мехнатобод районидаги «Янгиер», Бўстонлиқ районидаги «Хўжакент» совхозларида чорвачиликни ривожлантириш юзасидан белгиланган тадбирларни бажариш борасидаги ишлар қониқарсиз эканлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нукус, Избоскан, Когон, Ғаллаорол, Усмон Юсупов, Учқўрғон, Жомбой, Сариосиё, Шўрчи, Боёвут, Ховос, Риштон, Фарғона, Навбаҳор районларида чорвачиликни ривожлантириш даражаси мутлақо қониқарсиз деб ҳисоблайди.

Область ва район партия комитетларига, хўжаликларнинг раҳбарларига қолоқликни тугатиш ҳамда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев республикага Ленин орденини топшириш чоғида Тошкентда берган кўрсатмалари асосида чорвачиликни ривожлантириш юзасидан белгиланган тадбирлар бажарилишини таъминлаш соҳасида кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш топширилди.

ЖЕНЕВАДАГИ МУЗОКАРАЛАРДА

ЖЕНЕВА, 20 июль. (ТАСС). Бугун бу ерда стратегик қуролларни чеклаш ва қисқартириш тўғрисидаги музокараларда СССР ва АҚШ делегацияларининг ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА ГАЗЕТАСИ «ЖЕТКИНШЕК»НИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Пионерлар ва мактаб ўқувчиларини Ленин васиятлари руҳида коммунистик тарбиялаш соҳасидаги самарали ишлари учун ва чиқа бошлаган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан **Қорақалпоғистон республика газетаси «Жеткиншек»** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри
1982 йил 21 июль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Матбуотни ривожлантиришдаги хизматлари учун ҳамда Қорақалпоғистон республика газетаси «Жеткиншек»нинг чиқа бошлаганига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Жеткиншек» газетасининг редактори Абдимурот **Отажонов** ва Кегайли районидаги «Ленин жўли» газетаси редакторининг ўринбосари, «Жеткиншек» газетасининг штатсиз мухбири Пердегул Гаипназаровна **Еднбаева** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

Қорақалпоғистон республика газетаси «Жеткиншек» редакциясининг бир группа ходимлари, штатсиз мухбирлари ва полиграфиячилари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Савдо системасида кўп йил самарали ишлаганлиги, ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришганлиги, жамоат ҳаётида актив қатнашганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Савдо министрлигига қарашли «Узоптгалантерея» республика конторасининг директори ўртоқ Барат Саркисович **Баратовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими»** фахрий унвони берди.

ЧЕКАНКА БОШЛАНДИ

Фарғона области деҳқонлари ғўзаларни чеканка қилишга киришдилар. Агрегатлар Ленин номли колхоз далаларига олиб чиқилди. Бу йил хўжаликда ҳосилдорликни қирқ центнерга етказишга қарор қилинди. Механизаторлардан Адҳам Вавқосов, Муқаддас Шермат-ов ва Муҳаммад Акбаров зўр ғайрат билан меҳнат қилишмоқда. Улар ишда сифатга алоҳида эътибор беришяпти.

Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод» совхози ва областдаги бошқа хўжаликларнинг механизаторлари ҳам чеканка қилиш машиналарини пахта майдонларига чиқардилар. Бу йил фарғоналик деҳқонлар машина-механизмлар ёрдами билан 125 минг гектар майдондаги ғўзаларни чеканка қилиш ниятидадирлар. Бу — областдаги пахта майдонининг учдан икки қисмини ташкил этади.

ЗАФАР САТРЛАРИ

БЕРУНИЙ. Беруний номли совхоз паррандабоқарлари давлатга тухум топшириш йиллик планини қариб 200 процент қилиб бажаришга муваффақ бўлдилар. Улар пландаги 570 минг дона ўрнига 1 миллион дона тухум топширишди. Бу муваффақиятда паррандабоқарлардан Комилжон Кутимов, Ҳайитгул Қўчқорова, Қўшбека Оллаёрова, Малика Жумамуродоваларнинг муносиб ҳиссалари бор.

М. МУҚОНОВ.

* * *

Чортоқ районидаги «Ўзбекистон» совхози паррандабоқарлари дастлабки муваффақиятга эришдилар. Давлатга 150 минг дона биринчи категорияли тухум етказиб берилиб, йиллик план олти ойда бажарилди. Паррандабоқарлар иккинчи план миқдорида тухум топшириш учун курашмоқдалар.

С. МУСАБОЕВ.

* * *

Наманган районидаги Оржоникидзе номли колхоз паррандабоқарлари тухум сотиш планини бажардилар. Давлатга пландаги 85 минг ўрнига 120 минг дона тухум етказиб берилди.

Озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб улуш қўшишга аҳд қилган колхоз паррандабоқарлари мажбурият ҳисобига тухум топширишни давом эттирмоқдалар.

Ш. ҚУШМОНОВ.

КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИ

ОММА ТАШАББУСКОРЛИГИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

КПСС XXVI съезди қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежнев СССР касаба союзларининг XVII съездида сўзлаган нутқида экономикани бошқаришда меҳнаткашларнинг тобора актив иштирок этиши муҳимлиги алоҳида уқтирилди. Совет кишиларида юксак ижтимоий онглиликни тарбиялаш, уларнинг ижодий ташаббускорлигини кучайтириш, меҳнатга, социалистик мулкка коммунистик муносабатни камолга етказиш бу борадаги ишларнинг асосини ташкил этади. Касаба союзларининг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги иштироки корхоналар, хўжаликлар, ташкилотларнинг барча хўжалик тадбирларида уларнинг фаол қатнашуви орқали амалга оширилади. Бунда касаба союзлари ўзларининг бутун куч-ғайратларини меҳнаткашларнинг ижтимоий-сиёсий ва ишлаб чиқариш активлигини ҳар томонлама оширишга қаратадилар.

Областимиз касаба союз ташкилотлари бошқаришнинг кўп қиррали функцияларини амалга оширишда тобора актив иштирок этмоқдалар. Социалистик мусобақа ва коммунистик меҳнат ҳаракати, доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашлари, коллектив шартномалар, меҳнаткашларнинг жамоатчилик асосидаги ижодий уюшмалари бу борадаги ишимизнинг асосий йўналишларини ташкил этади. СССРнинг 60 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ мусобақасида меҳнаткашлар ижодий активлиги яққол намоён бўлмоқда. Бу ҳаракатда жами меҳнатчиларнинг деярли 95 проценти иштирок этмоқда.

Гулистон тикувчилик фабрикасининг ишчси Гулчеҳра Бекбулатова республикамиз ўн беш донғлор ишчси қатори ўн биринчи беш йиллиқда икки беш йиллик планни бажариш ташаббуси билан чиқди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган бу ҳаракат областимизда кенг қулоч ёймоқда. 117 ишлаб чиқариш илғори ҳозирда ана шу ватанпарварлик ҳаракатида фаол қатнашмоқда. Уларнинг айримлари 1984 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. 1200 та яқин меҳнатчи ўн биринчи беш йиллик топширигини уч-тўрт йилда ado этиш учун курашмоқда. Гулистон тажриба ремонт-механика заводи касаба союз комитети социалистик мусобақанинг вазифаларини аниқ белгилаб олган. Унинг натижаларини чиқариш чоғида маҳсулотнинг миқдори ва сифати, моддий ва маънавий рағбатлантириш, техника хавфсизлиги ва меҳнат интизомининг аҳволи сингари жиҳатлар ҳам кўзда тутилади. Аввало ишчиларнинг якка тартибдаги мусобақасини ташкил этиш орқали коллективнинг ягона социалистик мажбуриятни ишлаб чиқилади. Инженер-техник ходимлар шахсий ижодий план асосида меҳнат қилмоқдалар. Касаба союз комитети мусобака якунларини вактида чиқаришга, унинг ошкоралигига, ғолибларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор беради. Коллектив қолоқларсиз ишлаш учун курашмоқда. Ишчиларнинг кўпчилиги ўз шахсий беш йиллик планларини тўрт-тўрт ярим йилда бажаришга аҳд қилиб, вақтдан ўзиб меҳнат қилмоқдалар. Натижада корхона коллективи план-топшириқларини ҳамиша ортиғи билан бажармоқда. Меҳнат унумдорлиги муттасил ошиб бормоқда.

Кўпчилик турибдики, социалистик мусобақа унинг ҳар бир иштирокчиси учун ижодий ташаббускорлик кўрсатишнинг кенг уфқларини очаётир, янги-янги резерваларни излаб топишга ва уларни ҳаракатга келтиришга даъват этаётир. Касаба союз ташкилотлари мусобақанинг боришини тез-тез қараб чиқмоқдалар. Меҳнат коллективларида тузилаётган ҳар бир янгилик ва ижодий тажрибани умумлаштиришга, кенг ёйишга эътибор бермоқдалар.

Касаба союзлари социалистик мусобақанинг олий формаси — коммунистик меҳнат ҳаракати қўламини кенгайтиришга эътиборни тобора кучайтираётир. Эндиликда бу ҳаракатда ишчилар, колхозчилар, меҳнаткаш зиёлиларнинг кўпчилиги иштирок этмоқда. Шуни айтиш кифояки, 2300 дан кўпроқ бригада, 972 цех коллективи меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишнинг ажойиб намуналарини кўрсатишга интилмоқда. Касаба союз ташкилотлари ишлаб чиқариш илғорлари, новаторларнинг энг муносибларига коммунистик меҳнат зарбдори унвонини бериш билан боғлиқ масалаларни изчил қараб чиқаётирлар. Ҳозирги пайтда областимиз меҳнат коллективларида деярли 24 минг коммунистик меҳнат зарбдори ишда, ижтимоий ҳаётда намуна кўрсатаётир. Коммунистик меҳнат коллективи номини олган 1109 бригадада юксак мажбуриятларни ошириб бажариш учун барча резервлар ишга солинмоқда. Янгиердаги қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати, Гулистон пахта тозалаш заводи, область электр тармоқлари корхонаси, «Фарғона», «Андижон» совхозлари, Ворошилов, Ильич, Сирдарё, Гулистон ва Комсомол районларидаги бир қатор хўжаликларнинг касаба союз комитетлари социалистик мусобақани кучайтириш, коммунистик меҳнат ҳаракатини авж олдириш масалаларини моҳирона, ишчанлик билан ҳал қилмоқдалар.

Меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга самарали жалб этиш формаларидан бири доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашларидир. Бугунги кунда меҳнат коллективлари фаолиятига таалдуқли бирон масала йўкки, улар ана шу кенгашларда ҳар томонлама қараб чиқилмаётган бўлсин. Областимиз корхоналари ва ташкилотларидаги 253 доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашларининг фаолиятида 11,5 минг киши қатнашмоқда. Область электр тармоқлари корхонаси, Гулистон тикувчилик фабрикаси, Ховосдаги «Фарҳод», Ворошилов районидаги «Социализм» совхозларида бу кенгашлар изчил, самарали иш олиб бормоқдалар. Уларнинг тавсиялари асосида областимизда амалга оширилган ташкилий-техникавий тадбирлар сўнгги бир йилдагина 1 миллион 134 минг сўм иқтисодий самара олиш имконини берди.

Меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этишда касаба союз комитетлари олиб бораётган ишларнинг яна бир муҳим йўналиши ишчи ва хизматчилар номидан маъмурият билан коллектив шартномалар тузишда намоён бўлмоқда. Коллектив шартнома меҳнаткашларнинг СССР Конституциясида кўзда тутилган ҳуқуқларини амалга ошириш, бевосита ишлаб чиқаришда демократияни ривожлантиришнинг муҳим воситасидир.

Областимизнинг 300 дан ортиқ корхона ва ташкилотида коллектив шартномалар тузилиб, шу асосда иш олиб борилмоқда. Ишчи йиғилишларида, турли кенгашларда билдирилган таклифлар бу шартномалардан ўрин олаётир. Гулистон тажриба ремонт-механика заводи, Бахт пахта тозалаш заводи, Сирдарё шаҳар алоқа узели, Ильич районидаги Волков номли, Ховосдаги «Дружба» совхозларида, бошқа кўпгина хўжаликларда коллектив шартномаларнинг оғишмай бажарилиши ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаб бориш имконини бермоқда.

Айниқса, Бахт пахта тозалаш заводи касаба союз комитети маъмурият билан ҳамкорликда амалга оширётган ишлар эътиборга сазовор. Бу ерда ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Меҳнатни нормалаш ва унга ҳақ тўлаш, меҳнат шароитини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза килиш, маиший, маданий ва медицина хизматини яхшилаш масалалари касаба союз комитети билан маъмурият ўртасида тузилган коллектив шартномада ўз ифодасини топган. Ишчи йиғилишларида унинг бажарилиши, янги муддат учун тузиладиган шартномага киритиладиган таклифлар ҳар томонлама муҳокама килинянти. Ховосдаги «Дружба» совхозида шартнома мажбуриятларини бажариш устидан назорат ўз ишига совуққонлик билан қаровчи айрим шахсларга самарали таъсир кўрсатишнинг муҳим воситасига айланди. Бу коллектив аъзоларини нуқсонларга муросасизлик руҳида тарбиялашнинг яхшигина мактаби ролини ўтамоқда, бутун коллектив ишининг натижалари учун масъулият туйғусини тарбияламоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР касаба союзларининг XVII съездида сўзлаган нутқида меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлигини, меҳнат ғайратини ошириш ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришнинг муҳим шарти эканлигини, касаба союз ташкилотлари бу масалага кун сайин эътибор беришлари лозимлигини уқтирди. Биз ана шу кўрсатмага амал қилиб, ишчилар, колхозчиларни, барча меҳнаткашларни ўз ишига коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, уларда масъулият туйғусини камол топтириш йўлида кун сайин иш олиб бормоқдамиз. Натижада СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ мусобақасн тобора қизғин тус олмоқда.

Б. ПИРНАЗАРОВ,
Сирдарё область касаба союзлари Советининг раиси.

ЖОНАЖОН ВАТАН БУЙЛАБ 60

◆ ТАЛСИ

Ленин номли колхозда (Латвия ССР) консерва цехи одатдагидан бир ой барвақт тўла қувват билан ишга туширилди. Бу ерда ош кўклари ва эртаки мевалардан компот ва шарбатларни консерва қилишни ўзлаштирганлик туфайли асбоб-ускуналарнинг мавсумлараро бекор туриши анча қисқарди. Бу йил Латвия хўжаликларида консерва ишлаб чиқарувчи корхоналар 60 миллион сўмликдан ортиқ — ўтган йилдагидан анча кўп маҳсулот ишлаб чиқаради. Қишга тайёрланадиган маҳсулотларнинг анъанавий турлари ҳам анча кўпайтирилди.

◆ БЕЛОЯРСКИЙ

«Казимгазпромстрой» тресті (Тюмень области) коллективи Уренгой — Новопсков газ қувури трассасида компрессор станциясини одатдагидек каркаслардан эмас, технологик ускуналарни ўрнатишдан бошлади. Бу эса объектни ишга тушириш кунини анча яқинлаштириш имконини беради. Дадил инженерлик ечимларини, меҳнатни ташкил этишнинг янги методларини қўлланиш натижасида қурувчилар станцияни декабрь ойидаёқ — планда белгиланган муддатдан анча барвақт топшириш мажбуриятини олдилар.

◆ КУЙБИШЕВ

«Коммунист» агитация теплоходида қўғирчоқлар Волга бўйлаб сафарга отландилар. Куйбишев қўғирчоқ театри коллективи нефть ташувчи кемалар командаларида спектакллар қўйиб берадилар. Театрнинг гастроль афишасида томошабинларга ёқиб қолган «Эстрада атрофида ҳамда ёнида» деб аталган пародияли томоша, болалар учун спектакллар қайд этилган. Волга соҳилидаги кўпгина шаҳарлар ва қишлоқларнинг аҳолиси ҳам қўғирчоқ театри гастролларини томоша қиладн

◆ ОРЕЛ

Орел область Ливень районидаги Успенский ўрта мактабини битириб чиққанларнинг ҳаммаси шу ердаги Партия XXII съезди номли колхозда ишлаш учун қолди. Бу ерда галлакорлик йўли ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадасидан бошланади. Бригада ихтиёрида 200 гектар ер, тракторлар, комбайн, бошқа машина-ускуналар бор. Хўжаликда кадрлар проблемаси ҳал этилган. Колхознинг ва Успенский ўрта мактаби коллективининг иш тажрибаси бутун областга ёйилмоқда.

(ТАСС).

АМАЛДАГИ ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ

ПЎЛАТ БАҲОДИРЛАР

Шу фарахли ёз кунлари бутун мамлакат шонли бир воқеанинг шоҳиди бўлди: Серго Орджоникидзе номли Харьков трактор заводи (ХТЗ) конвейеридан икки миллионинчи трактор тушди.

Мамлакатимиз далаларида ишлаб турган ҳар беш тракторнинг бирига машҳур «ХТЗ» тамғаси босилганлигини назарда тутсак, бу улкан корхонанинг бунёд этилиши Ватанимизда социализм тақдирини ҳал қилган асосий жабҳалардан биридаги катта ғалаба бўлганлигига тўла ишонч ҳосил қиламиз.

Қишлоқларимизнинг буюк Инқилоб арафасидаги қиёфасини кўз олдингизга келтирмоқчимиз. У вақтларда бор-йўқ техника — саккиз миллион сўқаю икки миллион ёғоч омоч эди. Орадан ўн йил ўтди. Бутун бисотимиз 27 минг трактор ва иккита дон комбайнидан иборат эди. Доҳиймиз В. И. Ленин Россия учун юз мингта трактор бўлишини бежиз орзу қилмаганди, ахир.

Пойтахт областимиздаги «Интернационал» колхозида бир ёдгорлик бор. Бу ерда Харьков тракторсозлари илк бор яратган, ўзбеклар диёрида деҳқончилик маданиятида том маъноси билан инқилоб ясаган биринчи дала баҳодири — пўлат бедов хўжаликнинг шундай кўринадиган жойида жиловлаб қўйилгандай. Ҳозирги қишлоқ хўжалик машиналари олдида у жуда ибтидоий кўринади. Аммо етти пушти деҳқон бўлган кишиларга у жудаям қадрдон туюлади. Зотан, ўттизинчи йилларнинг деҳқонлари бу машиналарнинг мўъжизакор кучини ўз тажрибаларида кўриб, тан беришган эди.

Колхоздаги пўлат бедов роппа-роса қирқ йил хизмат қилди. Хизмат қилганда ҳам беминнат хизмат қилди. Қуёш саратон тафтини аямай уфурган ёз чилласида деҳқонлар дўппидек кўланка жойни излаганида ҳам, кеч кузнинг аёзли совуқларида ҳам бу пўлат бедов ўз постида бардам турди. Деҳқонга мададкор бўлди, ишчи синфи заковатинитина эмас, деҳқон табиатини ҳам тобланди, шарафларга буркади.

Бутун мамлакат қатори Ўзбекистон заминида ҳам ўттизинчиларнинг ажойиб авлоди камол топди. Шулардан бири «ХТЗ» чавандози Дмитрий Красавин эди. У қардошлик бурчини ўтагани, техника сиру асорини ўзбек биродарларига ўргатгани бу ерга келган эди. Ўзбекистон унинг иккинчи ватани бўлиб қолди. Бу ерда у катта обрў-эътибор қозонди. Меҳнат Қизил Байроқ орденига сазовор бўлди. Вақти келиб Д. Красавининг ажойиб шогирдлари вояга етди. Рашид Обидов мана шу шогирдларнинг рўйхатида биринчи саналади. У ўз устозининг изидан борди, техника мўъжизасини намойиш қилди. Ҳозир республикамиз далаларида ўн минглаб тракторлар, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари биринчи беш йилликлар донгдор механизаторлари қутлуғ анъаналарини муносиб давом эттирмоқдалар.

Харьков тракторсозларининг матонатини буюк қаҳрамонликка қиёс қилса арзийди. Чунки у мамлакатни большевистик суръатлар билан индустриалштиришнинг ажойиб намунаси бўлди. Одатда ҳайратомуз ишлар ҳақида гап юритилса, мўъжизакор давримизнинг мўъжизаси деб қўйқолишади. Ҳозир-ку шундай. Аммо социалистик турмуш уклади ҳаётимизга эндигина сингиб бораётган ўша алаптали, жўшқин йилларда бунга ақл бовар қилмасди. «ХТЗ»нинг вужудга келиши худди шундай ақл бовар қилмайдиган иш эди. Заводни 1930 йилда қуришга киришилди. Қурилиш 15 ой давом этди. Бундай суръатни жаҳондаги биронта завод ҳали кўрмаган эди. 1932 йил апрель ойидан бошлаб корхона бир кеча-кундузда 100 машина ишлаб чиқарадиган бўлди.

1935 йилнинг 3 апрели ҳеч кимнинг ёдидан чиқмайди. Шу куни корхона Ильич орзусини рўёбга чиқарди. Завод конвейеридан юз мингинчи трактор чиқарилди. Шу тариқа мамлакат қишлоқ хўжалигини социалистик тарзда қайта қуриш ленинча плани амалда рўёбга чиқди.

Фашистлар Германиясининг ғиёнаткорона ҳужуми бунёдкорлик ишларимизга тўсқинлик қилди. Тракторсозлар мисли кўрилмаган ғайрат-шижоат билан ишлаб, жуда қисқа вақт ичида ўз станокларини Сталинград ва Сарептага, сўнгра Барнаул ва Рубцовскка кўчирдилар. Заводнинг кўплаб ишчилари ўз ўрнини жанг майдонида деб билди. Улар ёвуз душманни Сталинград остоналаридан Берлингача қувиб боришди. Корхонанинг алоҳида жасорат кўрсатган собиқ ишчиларидан Г. Седов Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига, Ф. Гриценко эса «Шуҳрат» орденларининг тўла кавалерига сазовор бўлди.

1943 йил 23 август. Худди шу куни Харьков фашист босқинчиларидан озод қилинди. Шаҳарда заводни тиклаш ишлари бошлаб юборилди. Ўттизинчи йилларда бўлгани каби корхонани бутун мамлакат тиклади. 1948 йилга келиб завод урушгача бўлган суръатга эришди. Шу муносабат билан корхона ВҚП(б) Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг табрикномасини олди. Завод Ленин орденига сазовор бўлди. 677 ишчи ва хизматчи ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди.

1967 йил 20 январь. Заводнинг бош конвейеридан бир миллионинчи трактор чиқарилди. Бу катта зафар учун корхона иккинчи марта Ленин орденига сазовор бўлди. Мукофотни корхона коллективига замонамизнинг атоқли партия ва давлат арбоби Л. И. Брежнев топшираётиб, бундай деганди: «Ҳозир мамлакатимизда минглаб йирик корхоналар бор, кўпгина янги трактор заводлари қурилган. Лекин ҳозир ҳам халқ коллективингизнинг меҳнат шижоатини, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлашга сиз кўшган катта ҳиссани зўр миннатдорчилик билан баҳолайди».

Шу нарса диққатга сазоворки, бугун улкан индустриямизнинг юксалиш суръати томчида қуёш акс этганидек, шу корхона мисолида яққол кўриниб турибди. Ахир, фахрланмай бўлади-ми: дастлабки бир миллионта тракторни ишлаб чиқариш учун ўттиз беш йил керак бўлган эди. Бу рақамни икки баравар ошириш учун ниҳояти ўн беш йил кифоя қилди.

1982 йил 16 июнь. Бу сана корхона таржимаи ҳолидан муҳим ўрин олади. Худди шу куни иккинчи миллионинчи трактор конвейеридан чиқарилди. Уни бошқариш шарафи социалистик мусобақа ғолиби, йиғувчи-слесарь Виталий Яловенкога насиб этди. Бу йигит ўз тақдирини корхона тақдири билан боғлаганига ниҳоятда тўққиз йил бўлди. Шу йиллар ичида у коммунистлар сафига ўтди, камол топди. Мана энди унинг номи бир миллионинчи тракторни бошқаришда қатнашган ветеран ишчи Алексей Федорович Дуюнов ёнида туради. Устоз ва шогирд икки миллионинчи машинани бошқариб, ишчи синфи анъаналари давомийлигини исботлашди.

Завод ишлаб чиқараётган тракторлар миқдор жиҳатидан ошиб, сифат жиҳатидан такомиллашди. Илгари деҳқонлар кўзга суриб олган ўттиз от кучига эга бўлган тракторлар ўрнини 165-200 от кучига эга қудратли пўлат бедовлар эгаллади. «ХТЗ» муҳри билан чиқаётган тракторларга бутун олам тан бермоқда. Бу машиналарга дунёнинг манаман деган мутахассислари ҳам юксак баҳо бермоқдалар. Америкадаги Линколн номли университетнинг характеристикасида мана бу сўзларни ўқиймиз: «Т-150К трактори техника даражаси жиҳатидан худди шу турдаги машиналардан кам эмас, баъзи жиҳатлари бўйича эса улардан аъло. Трактор ёнилғи ишлатиши ва фойдали ҳаракат коэффициенти жиҳатидан анча юқори туради».

Ҳозир корхона коллективи ўн иккинчи беш йиллиқда мамлакатимизнинг бепоён далаларида ишлатишга мўлжалланаётган янги-янги тракторларни яратишга бел боғлаган. Корхонада ижодкорлик кайфияти ҳукмрон. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — пўлат эритувчи Ф. С. Амелин, пайвандчи В. И. Чмиль, токарь Н. Е. Мирошниченко, СССР Давлат мукофоти лауреатлари В. Г. Тарасенко, СССР Олий Совети депутати токарь Ф. Д. Касьяненко ва ҳукуматнинг қўша-қўша орден ва медалларига сазовор бўлган олти мингдан кўпроқ нишондор кишилар корхона коллективини янги марралар сари олиб бормоқдалар. Улар ғайрат камарини маҳкам белга боғлаб, уч миллионинчи трактор ишлаб чиқариладиган кунларни тобора яқинлаштирмоқдалар.

А. НАБИХУЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.
Тошкент — Харьков — Тошкент.

Тошкент область, Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли «Халқобод» аграр-саноат бирлашмасининг консерва заводи ишчилари ярим йиллик план топшириқларини 117 процент бажардилар. КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларидан руҳланган корхона меҳнат аҳли ўз социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, янги оширилган мажбурият олди. Улар йил охиригача давлатга 91 миллион шартли банка консерва тайёрлашга қарор қилдилар.

Суратда: заводнинг илғор ишчиларидан Нурия Шарипова шогирди Мастура Болтабоева билан.

Ф. Қурбонбоев фотоси, (ЎзТАГ).

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

ОНА ЮРТНИ УЛУҒЛАБ

Кейинги пайтларда марказий нашриётлар таниқли ўзбек шоирлари, адиблари ва адабиётшуносларининг кўплаб китобларини нашрдан чиқармоқда. Яқинда «Советский писатель» нашриёти бухоролик таниқли шоир Тошпўлат Ҳамиднинг «Лайлаклар юрти» («Родина аистов») шеърлар ва поэмалар тўпламини шеърхонларга тақдим этди.

Тошпўлат Ҳамид қуёшли республикамизнинг бугунги ҳаётини, чўлларни боғу бўстонга айлантираётган марду майдонларнинг шижоаткорона меҳнатини улуғловчи шеърлар, давр руҳи уфуриб турган сермазмун достонлар муаллифидир. «Лайлаклар юрти» тўпламидан шоирнинг ана шундай энг ажойиб асарлари жой олган. Тўпламнинг «Бугун ва эрта» номли шеър билан очилиши бежиз эмас. Шоир бугунги кунимизни улуғлайди, унинг қаҳрамони эртанги кунга, порлоқ келажакка катта умид билан қарайди. Тошпўлат Ҳамиднинг «Лайлаклар юрти» тўпламидан жой олган «Бўстон», «Бухоро кечаси», «Пахта», «Она» сингари шеърлари, «Қора жайрон», «Гулоб» достонлари ана шундай асарлардир. Тўпламдаги шеърларни, «Гулоб» достонини Ю. Карасаев таржима қилган. «Қора жайрон» достони эса А. Бабров таржимасида чоп этилган.

«Лайлаклар юрти» тўплами «Советский писатель» нашриётининг Иттифоқ шеърхонларига яна бир армуғонидир.

«ҚИЗИЛ БУХОРО»

Евгений Ефимович Березиков кўп қиррали истеъдод эгаси. Унинг шеърлари, очерк ва эсселари китобхонларга яхши таниш. Яқинда ёзувчи йирик насрий асарини китобхонларга тақдим этди. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти чоп этган бу китоб «Красная Бухара» («Қизил Бухоро») дея номланган. Романнинг биринчи китоби «Черный перевал» («Қора довон») номи билан нашрдан чиқарилди.



Евгений Березиков — Ўрта Осиё тарихи, халқлар урф-одатлари ва анъаналарининг билимдонидир, деб ёзади китоб автори ҳақидаги сўнгги сўзда Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, таниқли шоир Абдулла Орипов. Дарҳақиқат, «Қизил Бухоро» романининг биринчи китоби билан танишар экансиз, муаллиф Бухоро амирлиги ва ўша даврдаги ҳаётини чуқур билганлиги гувоҳи бўласиз. Роман тафсилотлари, воқеаларнинг кенг кўламли ривожи шундан далолат беради. Романда Бухоро амирлигининг энг чиркин даври — инқилоб арафасидаги мураккаб ҳаёт эпик кўламда ҳикоя қилинади.

Ёзувчи тарихий фактларни керакли ўринларда тадбиркорона қўллайди. Китобхон кўз ўнгида халқ бахт-саодати учун курашган фидойи кишилар сиймоси ёркин намоён бўлади. Асар жозибали тилда ёзилганлиги учун ҳам мароқ билан ўқилади. Роман воқеаларига уйғун суратларни рассом А. Москин ишлаган. Евгений Березиковнинг «Қизил Бухоро» романи китобхонларимизнинг севимли асарига айланиб қолиши шубҳасиз.

Мухбиримиз бонг уради

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон автоном республикасида маориф шохобчалари кенгайиб бормоқда. Шаҳар ва районларда, колхоз ва совхозларда янги лойиҳалар асосида замонавий қилиб қурилган мактабларда ўқувчиларнинг билим чўққиларини пухта эгаллашлари учун барча қулайликлар яратилган. Фан кабинетлари, тўгараклар, спорт секциялари, синфдан ташқари ўтказиладиган машғулотлар учун алоҳида-алоҳида хоналар ажратилган, кўплаб қўшимча синфхоналар қурилмоқда.

Афсуски, мактаб ва синфхоналар қурилишидек муҳим ишда ҳам камчиликлар йўқ эмас. Бундан 7—8 йил муқаддам бошланган қурилишлар битказилмасдан пайсалга солинмоқда, қурилиш муддатлари ҳаддан ташқари чўзилиб кетмоқда.

Элликқалъа районидаги Охунбобоев номли совхозда 480 ўринли мактаб қурилиши 1976 йилда бошланган эди. Лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича 772 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак. Бугунги кунгача шундан атиги 203,2 минг сўми ўзлаштирилди, холос. Одамлар ўзаро тил ғўшти еган қурилиш деб юритадиган бу объектда 1976—1977 йилларда 83,9 минг сўмлик, 1978 йилда 20,5 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. 1979 йилда эса бир сўмлик ҳам иш бажарилмади: қурувчилар ақалли келиб хабар олмадилар ҳам. 1980 йилда 60,1 минг сўмлик, 1981 йилда 38,7 минг сўмлик қурилиш ишлари адо этилди. 1982 йил учун планлаштирилган 101 минг сўмликдан ҳозирча салкам 27 минг сўмлик иш бажаридик! Бу ўзига хос «рекорд» «Ресколхозстрой» трестига қарашли хўжаликлараро қўчма механизациялашган колонна қурувчиларига тегишли. Шу қурилишдаги аҳвол бундан икки йилча муқаддам «Совет Ўзбекистони» газетасида танқид қилинган эди. Қурилиш раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб олмаган кўринадилар. Ўша пайтда колонна раҳбарлари: «ишчи кучи кам, қурилиш материаллари етишмаяпти», — дейишган эди. Куни кеча шу колонна бош инженери Исмоил Оннаевдан суҳбат пайтида яна ўша эски гапни эшитдик.

Топиб олган рўкачлари ана шу. Бошқа объектларга қурилиш материаллари қаердан олинянти? Мактаб қурилиши шундай, тошбақа одим суръат билан давом этадиган бўлса, ўн беш йилда ҳам битиши амри маҳол. Шу райондаги Калинин номли колхозда 624 ўринли мактаб қурилишида пойдевор қўйишга киришилган-у, шу кўйи ташлаб кетилган. Қурувчилар саркори эса сир бой бермасликка ҳаракат қилди.

— Колхоздаги мактаб қурилиши нима учун тўхтаб қолди? — сўрадик Исмоил Оннаевдан.

— Ҳеч-да, ишлар жуда яхши кетяпти.

— Қурилишнинг борими билан танишсак бўладими?

— Бемалол, одамлар ишлаяпти. Иш қизғин, бориб кўраверинг.

Колхоз партия комитети секретари Тўрабой Отабоев билан қурилиш бошига бордик. Пойдеворлар чала битган. Умуман қурилиш материаллари келтирилмаган ҳам. Бу йилги планлаштирилган 100 минг сўмлик ишдан атиги етти минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилибди.

Шу райондаги «Кирқиз» совхозида 624 ўринли мактаб қурилиши бошланди дейилганига ҳам ўн йилча бўлди. Қурувчиларнинг «Ўғил-қизларингиз янги мактабда ўқийди», деган гапларига совхоз ишчилари, механизаторлари ишонмай қўйдилар. 12-қурилиш трестига қарашли Каримберди Сабуров бошлиқ 9-кўчма механизациялашган колонна қурувчилари, инженер-техниклари ваъдани катта қилишади-ю, лекин бажаришдан дарак йўқ. 1979 йилдан бери атиги 45 минг сўмлик қурилиш ишлари қилинибди-ю, шу ҳам чала. Бу йил 250 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилиши керак. Амалда ҳозиргача бирон ишга бирон қурувчининг қўл урганини ҳеч ким кўрганича йўқ.

Мактаб ва қўшимча синфхоналар қурилишидаги суст-кашлик оқибатида, айниқса Нукус, Хўжайли, Қўнғирот районларида ўқишни уч сменада олиб боришга тўғри келмоқда. Бу ҳол ўз навбатида мактабларда синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш, қўшимча машғулотлар, фан тўгараклари машғулотлари, лаборатория ишлари ўтказишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўн биринчи беш йиллиқнинг иккинчи йилида Қорақалпоғистонда сал кам йигирма тўрт минг ўринли 36 та мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилиши керак. Шундан йигирма бештаси қишлоқларда иш боошлайди. Ўтган ярим йилда эса планлаштирилган 15 мактабдан 1280 ўринли учта мактаб қурилиши битказилиб фойдаланишга топширилди, холос. Хўжайли, Беруний, Шуманай районларида, Кегайли районидаги Куйбишев номли совхозда ҳар бири 624 ўринли, Тўрткўл районидаги «Намуна» колхозида 480 ўринли мактабларнинг қурилиш-монтаж ишлари жуда суст.

Мактаб қурилиши умумхалқ ишидир. СССРнинг Озиқ-овқат программасида қишлоқ мактабларининг ўқув базасини мустаҳкамлаш соҳасидаги ишлар давом эттирилсин, ўн биринчи беш йиллиқда эса тахминан шундан 14—17 процент кўп. Умумий таълим мактаблари қурилсин, деб белгилаб қўйилган. Шундай экан, мактаб қурилиши бўйича ҳар йилги план ва топшириқларнинг ошириб бажарилиши таъминланиши зарур. 166, 12-қурилиш трестлари, «Приаралводстрой», «Югказакалкводстрой», «Ресколхозстрой» ва бошқа қурилиш ташкилотлари ҳамда уларнинг раҳбарлари тегишли хулоса чиқариб олиб, қурилишда бурилиш ясашлари лозим.

Мактаб қурилишларини жадаллаштиришда Қорақалпоғистон область партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари оталарча ғамхўрлик кўрсатишларига, қўркам, бугунги кун талабларига мос мактаблар ўз вақтида ишга туширилиши юзасидан ҳамма чоралар кўрилишига ишончимиз комил.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КОМПЛЕКС ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАЙ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорлари, шу Пленумда қабул қилинган СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси республикамизнинг барча меҳнаткашлари қатори қўриқ Нишон районидаги «Оқ олтин» совхозининг чўпонлари ҳам ғоят руҳлантириб юборди. Ўзжалик раҳбарлари, ишчилари ва мутахассислари ҳар қачонгидан кўра ғайрат билан ишлаш, пахта ва бошқа деҳқончилик экинларидан мўл ҳосил етиштириш, айниқса, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла-тўкис қондириш юзасидан айрим муаммоларни ҳал этиш, ички резерв ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш тадбирларини белгилаб олдилар.

Совхозда дончилик ва чорвачиликни кескин ривожлантиришга пахта каби катта эътибор берилмоқда, боғдорчиликни тараққий эттириш, йил сайин полиз ва сабзавот етиштиришни кўпайтириб бориш комплекс тарзда амалга оширилмоқда. Бироқ, қўриқ хўжаликда ҳали фойдаланилмаётган резервлар, ишлаб чиқариш тараққиётига тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам бор. Биз хўжалик ишлаб чиқаришида меҳнат қилаётган турли соҳаларнинг раҳбарлари билан учрашиб, улардан Озиқ-овқат программасини қандай бажариш юзасидан фикр-мулоҳазаларини эшитдик.

Равшан ТОШТЕМИРОВ
совхоз директори:

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг май Пленумидаги докладида Озиқ-овқат программасини тайёрлаш ва амалга ошириш — бизнинг планлаштириш системамизда, социалистик экономикани бошқаришда принципиал янги қадамдир,— деди ва Программа озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга аниқ мақсадни кўзлаб комплекс ёндашишни ўзида мужассамлаштирганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бу йўл-йўриқлар мамлакатимизда озиқ-овқат проблемасини муваффақиятли амалга оширишни таъминлашда катта роль ўйнайди. СССРнинг 1990 йилгача бўлган Озиқ-овқат программаси биз пахтакорлар, чорвадор ва ғаллакорлар, боғбон ва соҳибкорлар учун муҳим жанговар қўлланма бўлиб қолади.

Қўриқ ерда ташкил этилган хўжалигимиз пахта ва бошқа деҳқончилик экинларидан ҳар йили мўл ҳосил етиштирмоқда. Бу йил она-Ватанга 9000 тонна «оқ олтин» етиштириб беришга аҳд қилганмиз. Бунинг учун мавжуд 3000 гектар янги ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан чўл дурдонаси етиштириш таъминланмоқда. Етиштириладиган ялпи хирмонимизнинг 4000 тоннасини саноатимиз учун қимматбаҳо хом ашё бўлган ингичка толали пахта ташкил этади.

Давлатга бошоқли дон экинларидан 500 тонна ғалла етиштириб берамиз. Шунингдек, 200 гектар майдондаги лавлаги билан аралаштириб экилган маккажўхори баравж ривожланмоқда. Ҳар гектар ердан 100 центнердан «кахрабо дон», 250 центнердан лавлаги ва 500 центнердан кўкпоя етиштириш учун мустаҳкам замин ҳозирлаяпмиз.

Гўшт топшириш йиллик плани муддатидан илгари адо этилди. Қабул пунктига 45 тонна гўшт топширдик. Сут ва тухум тайёрлашда ҳам ўтган йиллардагига нисбатан 25—30 процент ўсишга эришяпмиз.

Озиқ-овқат программасини бажариш борасида совхозимиз коллективининг навбатдаги вазифалари нималардан иборат? Аввало шуни айтиш керакки, маъмурчилик ва элимиз фаровонлиги манбаи бўлган пахта етиштириш йил сайин кўпайиб боради. Беш йиллик охирига бориб хўжалигимизда ҳар йили ўртача 12—13 минг тонна «оқ олтин» етиштирилади. Биз суғориладиган ерлар самарадорлигини ошириш билан бошқа деҳқончилик экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштирамиз. Хўжалик ҳар йили 1,5—2 минг тонна ғалла етиштиради. Бу йил 20 гектар ерда зиғир, 30 гектар ерда кунжут, 20 гектар ерда мош етиштирямиз. Ана шу экинлар майдонини кейинчалик камида 150—200 гектарга кўлайтиришни планлаштиряпмиз. Совхозда ёғ ишлаб чиқарадиган махсус жувозхоналар ташкил қилинади. Сабзавот, полиз, узум ва мева етиштириш янада кўпайтирилади.

1982 йилдагина умумий қорамоллар сони 400 бошни, қўйлар 5 минг бошни ташкил этади. Келгуси беш йилликда эса хўжаликда совлиқлар сони 10 минг бошга, паррандалар 20 минг тага, чўчқалар 1,5—2 минг бошга етказилади.

Биз беш йиллик охирига бориб, совхозимизда аҳолиси жон бошига камида 45—50 килограммдан гўшт, 400 донадан тухум, 180 килограммдан сут тайёрлашга эришамиз.

Айни пайтда совхозда бўрдоқичилик базаси ишлаб турибди. Бу ерда гўштга топшириладиган қорамол ва чўчқалар тўйинли рацион асосида парвариш қилинаётир. Натижада ҳар бир қорамолнинг тирик вазнини 450 килограммга, чўчқаларни эса 150 килограммга етказиб гўштга топширяпмиз. Биз 1982 йилдан бошлаб алмашлаб экиш системасига тўлиқ ўтдик. Бу пахта ҳосилдорлигини янада ошириш ва чорва учун мўл-кўл озуқа етиштиришни кўпайтиришда катта роль ўйнаётир. Мавжуд 750 гектар ердаги беданинг ҳар гектаридан 200 центнердан ҳосил оламиз. Шунингдек, маккажўхори ҳосилдорлиги гектарига 110 центнерга етказилади. Айрим бригадалар гектарига 45—50 центнердан пахта етиштириши мўлжаллашмоқда. Демак, экинларни навбати билан алмашлаб экиш ерларни юксак даражадаги унумдорлигини сақлаб қолишда катта роль ўйнайди.

Озиқ-овқат программасини амалга оширишнинг яна бир муҳим шартларидан бири бригадаларда ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш билан маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдан иборат. 20 гектар зиёд пахтачилик бригадасида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилди. Бу бригадаларга сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириладиган ерлар ажратилиб, ихчамлаштирилган чорвачилик фермалари ташкил этилмоқда.

Партия кўрсатмаларини изчиллик билан амалга ошириш учун чорва сонини янада кўпайтиримоғимиз, маҳсулдорлигини оширишимиз, катта ҳажмда қурилиш ишларини бажармоғимиз, кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаштирмоғимиз зарур. Шу билан бирга ликда совхоз ишчиларини моддий турмуш даражасини яхшилаш энг муҳим вазифалардан биридир. Афсуски, қишлоқда турар жой, маданий-маиший binolar қурилиши сust амалга оширилмоқда. Бу биргина бизнинг совхоз хусусидаги гап эмас, Қарши даштида меҳнат қилаётган кишиларнинг социал-маданий турмушини янада яхшилаш ҳақида, янги ерларни ўзлаштириш билан биргаликда ишчи посёлкалари, дала шийпонлари, кинотеатр, кутубхона, магазин, мактаб ва болалар муассасалари қурилишини комплекс тарзда амалга оширишни «Главсредазирсовхозстрой» раҳбарлари оператив тарзда ҳал қилишлари лозим.

Холмурод РЎЗИЕВ,
дончилик бўлими бошлиғи:

— СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасида дон етиштиришни муттасил кўпайтириш вазифалари белгилаб берилган. Бу кўрсатмалар биз ғаллакорлар учун дастуриламалдир.

СССРнинг 60 йиллиги нишонланадиган йилда областимиз ғаллакорлари 500 минг тонна дон етиштириб олиш учун курашмоқдалар. Об-ҳавонинг қуруқ келганлиги натижасида баҳорикор ғалла ҳосилдорлиги пасайиб кетди. Бу эса суғориладиган майдонларда ишлаётган ғаллакорлар зиммасига катта масъулият юклайди. Бу йил бўлимимиз ғаллакорлари 500 гектар суғориладиган майдонда арпа-бўғдойдан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳозирги пайтда дон ўримйиғими юксак суръатлар билан олиб борилмоқда. Ҳар гектар майдондан 30 центнердан дон ўриб-йиғиб олинаётир. Аммо, бу етарли эмас. Бизнинг шароитда ғалла майсаси юксак агротехника талаблари даражасида парвариш қилинса, бундан ҳам зиёд ҳосил олиш мумкин.

Айни кунларда далаларимизда 3 та комбайн юксак унум билан ишлатилмоқда. Механизаторларимиздан Ҳўроз Алибоев, Александр Фенин, Тожи Аллабердиев кабилар кунига 15—17 гектар ердаги ғаллани ўриб-йиғиб олмоқдалар. Ғалладан бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгор қилиниб, уларга силос учун маккажўхори экилмоқда. Бу бир вақтнинг ўзида бир ердан икки ва уч ҳосил олишимизни таъминлаяпти.

Экин майдонларимиз қўриқ ерда жойлашган. Тупроғимиз унумдор. Сув ва техника етарли. Бизнингча ҳар гектар ердаги бошоқли экинларнинг ўзидан 60—70 центнердан дон етиштириш пайти келди деб ўйлаймиз. Олимларимиз томонидан ҳосилдор ғалла навлари етиштирилянти. Афсуски, бу бизгача етиб келмаётир. Кўп дон берадиган, бошоқлари салмоқли навларни районлаштириш ҳақида тегишли ташкилотлар чуқур ўйлаб кўрсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунда, ризқ-рўзимиз бўлган дондан юксак хирмонлар кўтариб, партиямиз даъватига муносиб жавоб берган бўлар эдик.

Нарзулла ОМОНОВ,
хўжалик боғбони:

— Чўл қўйнида, янги ерлар очиб, уни боғи-бўстонга айлантириш ҳам шарафли, ҳам фахрли иш. Менинг Туркманистон ССРнинг Чоржўй областидан бепоён Қарши даштига келиб ишлаётганимга ҳам қарийб 7 йил бўлянти. Қўриқ хўжаликларида механизаторлик қилдим. Маккажўхоричилик бригадасини бошқардим. Ўтган йилдан буён «Оқ олтин» совхозида боғбонлик қиляпман.

Бир вақтлар кимсасиз даштдан иборат Новур массиви эндиликда «оқ олтин» конигагина эмас, гўзал боғроғларга ҳам айланди. Партиямизнинг Озиқ-овқат программасида узум-мева ва резавор етиштиришни кўпайтириш алоҳида таъкидланганлиги биз боғбонлар қалбини қувончга тўлдирди. Йил сайин аҳоли дастурхонига кўплаб мева етказиб бермоқдамиз. Агар ўтган йиллари хўжалик район аҳолисига 30—40 тонна узум ва мева етказиб берган бўлса, бу йил кўрсаткични 100 тоннадан оширишни мўлжалламоқдамиз. Оз меҳнат билан кўп миқдорда узум ва мева етиштирилаётганлиги хўжаликка катта иқтисодий фойда келтирмоқда. Айни пайтда совхозимиз хўжалик ҳисоби асосида ишлаётганлиги минг-мингиаб сўмлаб даврлат маблағини тежаб қолиш имкониятини беряпти.

Хўжалигимиз келажакда кўплаб мева тошириш имкониятига эга бўлади. Агар хўжалигимизга яқин шаҳар ва район марказларида консерва заводлари барпо этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида таъкидланганидек, хўжаликлар билан тайёрлов органлари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Очил ПЎЛАТОВ,
полизчилик ва сабзавотчилик бригадаси бошлиғи:

— «...Аҳолининг картошкага, кечки сабзавот, мева ва резавор мева маҳсулотларига бўлган талаби асосан уларнинг истеъмол районларида етиштириш ҳисобига қондирилсин» дейилади СССРнинг Озиқ-овқат программасида. Эл дастурхонининг маъмурлари биз деҳқонларнинг ғайрат-шижоатимизга боғлиқ. Шунга кўра зиммамизга мўл-кўл полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришдек улкан вазифа юкланган.

Бригадамиз аъзолари 55 гектар майдонда полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштирмоқдалар. Эл-юрт дастурхонини тўкин қилишдек саховатли ишга бел боғлаган сабзаворларимиз шу кунгача аҳолига 100 тоннадан ортиқ карам, редиска, пиёз етказиб бердилар. Совхоз марказида 3 та сабзавот дўкони ишлаб турибди. Бу ларда аҳолига ҳар куни янги сабзавот маҳсулотлари сотилмоқда.

Бундан тўрт йил илгари совхозда теплица хўжалиги ташкил қилинган эди. Бу ерда ҳар йили сабзавот ва резавор экиларидан мўл ҳосил олиниб келинади. 10 сотихли майдонда помидор, карам, редиска, бодрингдан ташқари 100 туп лимон ва мандарин ўстирилмоқда. Шу йил қишда теплицадан совхоз марказий посёлкаси аҳолиси ва болалар боғчаларига 12 тонна помидор ва 20 тонна карам етказиб берилди. Теплица ўн биринчи беш йиллик охирига бориб, бир гектарга кенгайтирилади.

Бу йил полиз ва сабзавот маҳсулотлари ҳар қачонгидан ҳам мўл бўлади. Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти бу экинларга ҳам пахтадек муносабатда бўлиб, уларнинг навларини кўпайтиришга жиддий эътибор бермоқдалар. Шунинг учун ҳам хўжаликда янги ерлар очиш, алмашлаб экиш ҳисобига полиз экинлари майдонлари тобора кенгайиб бормоқда. Биз қўриқда етиштирадиган ковун-тарвузларимиз билан РСФСР, Украина, Белоруссияда меҳнат қилаётган қардош ва қондош ишчилар дастурхонини ҳам тўкин қилишга ҳисса қўшамиз.

Кейинги вақтларда айрим кишилар ўз шахсий манфаатини ўйлаб полиз экинларига азотли ўғитларни нормадагидан ортиқ солиб таъмини бузиб юборморқдалар. Эндиликда кўп маҳсулот етиштирибгина қолмай, асосан унинг сифатига жиддий эътибор бериш, аҳолининг талаб ва истакларини ҳисобга олиш вакти келди.

Дарҳақиқат, юқорида таж рибали деҳқонлар, тадбиркор мутахассислар яхши фикр-мулоҳазаларни ўртага ташладилар. Улар бугунги кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленуми қарорларидан руҳланиб, белгиланган улкан режаларни муваффақиятли амалга ошириш, кўп ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш йўлида куч-ғайратларини аямаётирлар. Кенг пахтазорда, яйловларда, сўлим боғ-роғларда ҳам меҳнат кўтаринкилиги жўш урмоқда. Сўз билан иш бирлиги таъминланмоқда. Халқ бахт-саодати учун, эл-юрт фаровонлиги учун ҳалол ва покиза меҳнат қилишга отланган «Оқ олтин» совхозининг азамат коллективига янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Чет элларда

КОПЕНГАГЕН:

ОММАВИЙ НУСХАДА

Прогрессив «Тиден» нашриёти Копенгагенда В. И. Ленин танланган асарларининг 5 томини Дания тилида кўп нусхада нашр этди. Шу тўпламга жаҳон пролетариати йўлбошчисининг 1908 йилдан 1914 йилгача ўтган даврда ёзган асарлари киритилган. Булардан баъзи бирлари, жумладан, улуғ рус ёзувчиси Л. Н. Толстой тўғрисидаги, ўша даврдаги маънавий ҳаётда ва революцион ҳаракатда унинг тутган ўрни тўғрисидаги мақолалар цикли Данияда биринчи марта нашр этилмоқда.

В. И. Ленининг катта асарларидан шу томга «Бирлик деб шовқин-сурон кўтариб, бирликни бузиш тўғрисида» ва «Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисида»ги асарлари киритилган. «Тиден» нашриёти директори Ион Поульсеннинг ТАСС мухбири билан суҳбатда айтишича, В. И. Ленин танланган асарлари янги нашрининг Дания тилида чиқарилишини нашриёт кейинги йилларда қилган энг муҳим ишлардан бири, деб ҳисоблайди. В. И. Ленин асарлари, деб таъкидлади у, зўр шуҳрат қозонган. Данияда синфий кураш мантиқининг ўзи бу асарларга ҳамиша қизиқиш кучли бўлишини тақозо қилади.

В. И. Ленин танланган асарларининг биринчи нашри Данияда иккинчи жаҳон урушидан илгариёқ бошланган эди. Тўпламга кирган томлар энди ноёб китоблар бўлиб қолди. Янги нашр, деди Ион Поульсен, 15 томдан иборат бўлади. Уни 1983 йилда нашр этишни тугаллаш мўлжалланган.

(ТАСС).

РЕВОЛЮЦИЯ ҒАЛАБАЛАРИНИНГ ПОСБОНИ

22 ИЮЛЬ — ПОЛЬШАНИНГ ТИКЛАНИШ КУНИ, ПОЛЯК ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

Польша меҳнаткашлари бу йил Польша тикланган кунни, ўзининг буюк миллий байрамини мамлакат контрреволюцион кучларнинг ҳаракатлари натижасида рўй берган анархия ва тартибсизликни аста-секин бартараф қилаётган бир шароитда нишонламоқдалар. Ўтган йилнинг декабрь ойида ҳарбий ҳолат жорий этилганлиги «Бирдамлик» касаба союз бирлашмаси ва бошқа антисоциалистик ташкилотлар раҳбарларининг ошкора фаолиятига чек қўйди. Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, Миллий нажот ҳарбий кенгаши ва Польша ҳукумати томонидан кўрилган тадбирларни барча поляк ватанпарварлари астойдил қўллаб-қувватламоқдалар. Халқ хўжалигида тартиб ўрнатилмоқда, партия ташкилотлари актив иш кўра бошладилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Совет Армияси сафларида туриб жанг қилган поляк жангчилари кенгашининг раиси, истеъфодаги полковник Б. Брайловский билан байрам арафасида учрашишга муяссар бўлдим.

— Бизга, — деб ҳикоя қилади у, — ўз ҳаётимизда кўп нарсани — чекиниш аламларини ҳам, ғалаба шодлигини ҳам тотиб кўришга тўғри келди. Бизнинг оримизда инсоният тарихидаги ана шу энг даҳшатли урушда омон қолган кишилар кам. Ҳозирги вақтда ташкилотимизда 10 минг киши бор. Совет — Польша дўстлиги Москва атрофидаги қор босган далаларда, Сталинград ҳамда Курск дугасидаги оғир жангларда, Польшани гитлерчи босқинчилардан озод қилиш жараёнида чиниқди. Совет Армияси билан биргаликда Польша диёрини озод қилган кишилар бизни хурсандчилик билан кутиб олган поляклларнинг шоду хуррам чеҳрасини асло эсдан чиқармайдилар.

Польша миллий озодлик комитети 1944 йил 22 июлда тарихий манифестни Хелмда эшиттирди. Бу манифест Польша демократик давлати тузилганлигини, бутун ҳокимият халқ қўлига ўтганлигини эълон қилди.

Суҳбатдошим сўзини давом эттириб, бундай деди: поляк халқининг, хусусан ёшларнинг тинч бунёдкорлик меҳнатидаги ғайрат-шижоатни яхши эслайман. Халқ ҳокимияти йилларида жуда катта муваффақиятларга эришилди. Варшава ва Польшанинг бошқа шаҳарлари харобалар устида тикланди. Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ёрдами туфайли қудратли индустрия вужудга келтирилди. Аммо бизда Ғарбга хос нуқул истеъмолчилик кайфиятларини пропаганда қила бошладилар. Жамиятда қарама-қаршилик кучайди, партия ички ҳаётининг ленинча нормалари бузилди. Контрреволюция ошкора ҳаракат қила бошлади. Буларнинг ҳаммаси Гданьск соҳилида 1980 йил август воқеаларига олиб келди. Собиқ полян капиталистлари ва помешчикларининг арвоҳлари «Бирдамлик» раҳбарларини қўллаб-қувватладилар. Улар аслида касаба союз бирлашмасини бошқариб, унинг ёрдами билан Польшадаги социалистик тузумни ағдариб ташлашга, мамлакатда капитализмни қайтадан тиклашга интилдилар. «Бирдамлик» қутуриб кетган даврда безори унсурлар Польшани озод қилиш учун ҳалок бўлган совет солдатларининг қабрлари ва ёдгорликларини ҳақорат қилганлиги биз, уруш ветеранларининг дилини ранжитди.

Польшада ҳарбий ҳолатнинг жорий этилиши Ғарбдаги диверсиячи марказларнинг фармойиши билан ҳаракат қилган контрреволюцион гуруҳларининг, «Бирдамлик»даги экстремистларнинг ёвуз режаларини барбод этди.

Ҳозирги мураккаб вазиятда, — деб таъкидлади Б. Брайловский, — биз, ветеранларнинг асосий вазифаси — Совет — Польша дўстлигини пропаганда қилишдан, реакцион унсурлар тарқатишга уринаётган антисоветизм билан қатъий кураш олиб боришдан иборат.

ПХРнинг конституциясида, — деди сўзининг охирида Б. Брайловский, — мамлакатда ҳокимият ишчи ва деҳқонларники, давлат тузуми социалистик тузумдир. Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорлик бу тузум тақдири снёсатининг негизидир, деб аниқ-равшан ёзиб қўйилган. Биз шу мақсадда уруш майдонларида совет солдатлари билан биргаликда қон тўкдик ва социалистик ватанга ҳеч кимнинг қасд қилишига йўл қўймаймиз.

М. ТРЕТЬЯКОВ,
ТАСС мухбири.
Варшава.



Ливанда хунрезлик давом этмоқда. Ҳар куни Исроил босқинчиларининг Фаластин ва Ливан халқларига нисбатан қилаётган ваҳшийликлари тўғрисида мудҳиш хабарлар келиб турибди.

Суратда: Исроил босқинчиларининг агрессияси натижасида бошпанасиз қолган оила.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

КОБУЛ:

ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИНИНГ БОРИШИ

Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитети билан АДР Министрлар Советининг ер ислоҳотини ўтказиш қўшма комиссияси мажлисида Афғонистонда ер-сув ислоҳотини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Мажлисда сўзга чиққан АДР Революцион Кенгашининг Раиси Бабрак Кармал ер-сув ислоҳоти ҳамма босқичларини ўтказиш жараёнини тезлатиш зарурлигини таъкидлади. У ер олган афғон деҳқонларига ерга эга бўлиш ҳуқуқини берувчи расмий ҳужжатлар топширилиши катта аҳамиятга эга эканлигини айтди. Бу жараён натижасида ерга эга бўлиш ҳуқуқи гарантияланади ва бу эса деҳқонлар олган ерларида дадил ишлашларига, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришларига имкон беради, деди Бабрак Кармал.

Мажлис қатнашчилари АДР Миллий ватан фронти раҳбарлигининг шу оммавий-сиёсий ташкилот вакилларини турли даражалардаги комиссиялар ва деҳқон комитетлари составларига киритиш тўғрисидаги таклифини маъқулладилар, шунингдек ер-сув ислоҳотини ўтказиш тўғрисида бир қанча қарорлар қабул қилдилар. (ТАСС).

ЛИВАНДАН ҚЎЛИНГНИ ТОРТ!

Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида Исроилнинг Ливандаги ваҳшиёна агрессиясига қарши норозилик митинглари давом этмоқда. «Главташпассавтотранс»га қарашли 2-автокомбинатда 20 июль куни шундай митинглардан бири бўлиб ўтди.

— Ливандан олинган телевизион репортажларда акс эттирилган воқеалар, — деди шофер С. Ҳидоятов, — гитлерчиларнинг ваҳшийлигини эслатади. Лекин қотиллар қанчалик кўп баттоллик қилмасинлар, уларга нисбатан қўрсатилаётган қаршилик шунча кўпроқ ошмоқда. Ливан ва Фаластин ватанпарварларининг матонати ва мардлиги туфайли босқинчилар ўзларининг биронта асосий мақсадларига эриша олмадилар. Бу авантюра Тель-Авивга шармандалик ва нафратдан бошқа ҳеч нарса келтирмайди. Сионистлар ўзларининг ҳомийлари Вьетнамда қандай мағлубиятга учраганликларини эсдан чиқармасинлар!

Автослесарь А. Қосимов, инженер А. Ляхович, мастер В. Акимов ва корхонанинг бошқа ходимлари Исроилнинг ваҳшиёна агрессиясини зўр ғазаб билан қораладилар. Ливанликлар ва фаластинликларнинг бошига тушган оғир синов кунларида, деб таъкидлашди сўзга чиққан нотиқлар. Яқин Шарқ халқлари СССР уларнинг озодлик ва мустақиллик учун, империалистларнинг дўқ-пўписаларига қарши курашини изчиллик билан қўллаб-қувватлаётганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Америка президентига мурожаатида бу нарса ўзининг ёрқин ифодасини топди.

* * *

Бухоро областидаги Когон ёғ экстракцияси заводининг ходимлари Исроил босқинчилари Ливанда давом эттираётган сурбетларча қирғинни қатъиян қораладилар.

Меҳнат ветерани, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси Е. Застенский митингда сўзга чиқиб, бундай деди:

— Ливандаги қонли фожиа Яқин Шарқни янги ҳарбий-сиёсий плацдармга айлантириш юзасидан АҚШ ўтказаётган йўлнинг бевосита натижасидир.

Завод ходимлари Н. Шарипов, К. Акрамов ва бошқа кишилар ўз нутқларида Р. Рейган ҳукуматининг сохта снёсатини ғазаб ва нафрат билан қораладилар.

* * *

«Узгипрозем» лойиҳа институтида бўлиб ўтган митинг қатнашчилари Исроил ҳарбийлари Ливан аҳолисини ва Фаластин қочоқларини ваҳшиёна жазолаётганлигига қарши кескин норозилик изҳор этдилар.

— Бизнинг коллективимиз, — деди лойиҳа бош инженери В. Козлов, — ўзининг қонуний ҳуқуқларини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Фаластин ва Ливан ватанпарварлари билан тўла бирдам эканлигини билдириб, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Америка президентига мурожаатини астойдил қўллаб-қувватлайди. Бу мурожаатда Яқин Шарқдаги воқеаларнинг янада кучайтирилганлиги учун жавобгарлик бевосита АҚШ зиммасига тушажаги кўрсатиб ўтилган.

Митингда катта агрономэкономист Н. Исломова, группаларнинг раҳбарлари И. Акрамов, Г. Арзуманов ва бошқалар сўзга чиқиб, қирғин ташкилотчиларини жиноий жавобгарликка тортишни талаб қилдилар.

* * *

Жиззах областидаги Жданов номли совхоз меҳнаткашлари Тель-Авивнинг инсон зотига душман снёсатига қарши норозилик митинги ўтказдилар.

— Исроил қотилларининг Ливандаги тинч аҳолиданқонли ўч олишига дарҳол чек қўйилишини талаб қиламиз, — деди механизатор С. Зиёев. — Бутун коллективимиз ўртоқ Л. И. Брежневнинг Америка президентига мурожаатини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Мурожаатда миллионлаб ливанликлар ва фаластинликларнинг ҳаётини сақлаб қолишга интилиш нэҳор этилган.

Совхоз меҳнаткашларидан А. Аҳмедов, М. Эргашева ва бошқалар тинчликсевар кучларни фаластинликлар ва ливанликларнинг ҳуқуқларини қатъиян ҳимоя қилишга, агрессорни Ливандаги қароқчиликни тўхтатишга мажбур этишга даъват қилдилар.

* * *

Самарқанд лифтсозлик заводининг ходимлари Исроилнинг Ливанга ваҳшиёна бостириб киргаилигини ғазаб билан қораладилар. Бу ерда бўлиб ўтган норозилик митингида меҳнат ветерани Б. Круглов ўз ўртоқлари номидан қуйидагиларни айтди:

— Исроил босқинчилари Ливан ва Фаластин ватанпарварларига қарши ваҳшиёна ёвузликлари билан Ер юзидаги барча софдил кишиларни даргазаб қилмоқдалар. Халқларнинг озодлик ва мустақилликка бўлган иродасини ҳеч қандай йиртқичликлар билан букиб бўлмаслигини тарих неча марта исботлаган. Шу жиноятнинг ташкилотчилари агрессив урушлар ҳамиша қандай тугаганини эсга олишлари керак.

* * *

Исроилнинг Ливандаги агрессиясига қарши кўп кишилик митинглар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ядро физикаси институтида, Тошкентдаги «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида, республиканинг бошқа меҳнат коллективларида ҳам бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Концерт. 10.05 — Мультфильмлар. 10.35 — Киносаёҳатчилар клуби. 11.35 — Фильм-концерт. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Сен қонунни биласанми? 16.55 — Болалар учун фильм. 18.10 — Мамлакат далаларида. 18.25 — Бригаликда аҳил оиламиз. 18.55—Электро-82 Халқаро кўргазмасидан репортаж. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши. 21.30 — Время. 22.05 — Катта ёшдагилар учун контрол иш. 22.40 — Дунё воқеалари. 22.55 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильмлар. 10.05 — Учинчи ўлчаш. Бадиий фильм, 1-серия. 11.15— Горчилар, қаердасиз! 12.00 — В. Шекспир. Ромео ва Жульетта. 13.10 — Испан тили. 13.40 — Шахмат мактаби. 14.10 — Ҳужжатли фильм. 14.30 — Балет ҳақида. 15.35— Манеж қироли. Бадиий фильм. 16.45 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Илмий-оммабоп фильм. 18.55 — П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс қатнашчиларининг чиқиши. 19.40 — Талабаларингизга биноан учрашувлар. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Учинчи ўлчаш. Бадиий фильм, 2-серия.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Болалар учун фильм. 11.50—Санъат гунчалари. 12.20—Тил ҳақида афсона. 18.05—Мультфильмлар. 18.30 — Ешлик. 19.00 — Доимо изланишда. 19.30 —Ахборот. 19.45 — Шеърият билан учрашув. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Пахтакорларнинг шу кундаги долзарб вазифалари. 22.25 — Тил ҳақида афсона. Бадиий фильм. 23.40 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.20 — Химия. 18.45 — Реклама. 19.10 —Ҳовлидаги стадион. 19.40 — Янгиликлар. 20.00 — Канонир Доласнинг саргузаштлари. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Олтин водий қўшиқлари. 9.30 — Классик шоирларнинг ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар. 9.50 — Озиқ-овқат программаси— умумхалқ иши. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Малиш. 14.00 — Табаррук замин. 18.15 — Қўшиқлар ва яллалар. 19.25 — Ешлик. 20.50 — Польша фашист босқинчиларидан озод этилган кунга. 21.00 — Инсон. Меҳнат. Поэзия. 21.20 — Чорвадорлар учун концерт. 22.30 — Лирик концерт.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
назарий ва математик физика ихтисослиги бўйича кичик илмий ходимлар
вакант вазифаларига
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.
Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, Куйбишев районн, Улуғбек посёлкаси.

«Главташкентстрой» «СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» трестининг
2-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ
минорали кран ва автомобиль крани ҳайдовчиларини тайёрлайдиган
4 ЯРИМ ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Курсларга 18 ёшга тўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар.
Машғулотлар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда рус тилида олиб борилади ҳамда 75 сўмдан стипендия берилади.
Ёлғиз кишиларга шинам ётоқхона берилади ва Тошкент шаҳрига прописка қилинадилар.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ғарбий-Жанубий саноат зонаси, С. Раҳимов станцияси.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
23 июль соат 19.30 да СССР биринчилиги учун
«ЗЕНИТ» (Ленинград) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида
ФУТБОЛ

Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи ва Ўзбекистон бадиий фонди коллективлари «Рассом» комбинатининг директори Қ. М. Маҳмудовга онаси

Насабхон АҲМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

«Ўзбекбирлашув» системасидаги кооператив ўқув юртлари

1982–1983 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ

(Тошкент области, Оржоникидзе райони, Ленин номли колхознинг Тимирязев участкаси)

Кундузги ўқишга: овқат тайёрлаш технологияси, бухгалтерия ҳисоби, товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш, маданий моллар товаршунослиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари товаршунослиги, кооператив савдони ташкил этиш ва бошқариш, савдо ва умумий овқатланиш машиналари ҳамда ускуналари, совет савдосида планлаштириш.

Сиртқи ўқишга: овқат тайёрлаш технологияси, товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари товаршунослиги, бухгалтерия ҳисоби, совет савдосида планлаштириш.

САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ

(Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 43-уй)

Кундузги ўқишга: овқат тайёрлаш технологияси, совет савдосида планлаштириш новвойчилик ишлаб чиқариш, товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш, саноат молларининг товаршунос-бракерлари, бухгалтер-претензионистлар, бухгалтерия ҳисоби.

Сиртқи ўқишга: овқат тайёрлаш технологияси, совет савдосида планлаштириш, товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби.

ФАРҒОНА КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ ВА БИЛИМ ЮРТИ

(Фарғона шаҳри, Коммунистлар кўчаси, 105-уй)

ТЕХНИКУМ

Кундузги ўқишга: товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш, китоб товаршунослиги, бухгалтерия ҳисоби.

Сиртқи ўқишга: товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби.

БИЛИМ ЮРТИ

Кундузги ўқишга: саноат ва озиқ-овқат моллари сотувчилари, контролер-кассирлар, хўжалик моллари сотувчилари.

БУХОРО КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ ВА БИЛИМ ЮРТИ

(Бухоро шаҳри, Низомий кўчаси, 2-уй)

ТЕХНИКУМ

Кундузги ўқишга: товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш, ҳайвонлар ва момиқ-мўйна хом ашёси товаршунослиги, саноат ва озиқ-овқат моллари товаршунослиги, хўжалик моллари товаршунослиги, бухгалтерия ҳисоби.

Сиртқи ўқишга: товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш, ҳайвон ва момиқ-мўйна хом ашёси товаршунослиги, бухгалтерия ҳисоби.

БИЛИМ ЮРТИ

Кундузги ўқишга: хўжалик моллари сотувчилари, ҳайвон ва момиқ-мўйна хом ашёси тайёрловчилар, контролер-кассирлар, саноат ва озиқ-овқат моллари сотувчилари.

ҚАРШИ КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ ВА БИЛИМ ЮРТИ

(Қарши шаҳри, Ленин кўчаси, 52-уй)

ТЕХНИКУМ

Кундузги ўқишга: товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш, саноат ва озиқ-овқат моллари товаршунослиги, бухгалтерия ҳисоби.

Сиртқи ўқишга: товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби.

БИЛИМ ЮРТИ

Кундузги ўқишга: саноат ва озиқ-овқат моллари сотувчилари, ошпазлар, контролер-кассирлар, новвойлар.

НУКУС КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ ВА БИЛИМ ЮРТИ

(Нукус шаҳри, К. Маркс кўчаси)

ТЕХНИКУМ

Кундузги ўқишга: товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш, товаршунослик ва саноат ҳамда озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби.

Сиртқи ўқишга: товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби,

БИЛИМ ЮРТИ

Кундузги ўқишга: саноат ва озиқ-овқат моллари сотувчилари, ошпазлар, контролер-кассирлар.

ТЕРМИЗ КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ

(Термиз шаҳри, Пристань кўчаси, 14-уй)

Кундузги ўқишга: товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш, товаршунослик ва саноат ҳамда озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби.

Сиртқи ўқишга: товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби.

ТОШКЕНТ КООПЕРАТИВ БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент шаҳри, Путилов кўчаси, 210«а»-уй)

Кундузги ўқишга: қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрловчилар, ошпазлар, озиқ-овқат магазинларининг контролер-кассирлари, саноат ва озиқ-овқат моллари сотувчилари, қандолатчилар.

СИРДАРЁ КООПЕРАТИВ БИЛИМ ЮРТИ

(Сирдарё области, Баҳт шаҳри)

Кундузги ўқишга: саноат ва озиқ-овқат моллари сотувчилари, саноат моллари сотувчилари, озиқ-овқат моллари сотувчилари, контролер-кассирлар, ошпазлар.

АНДИЖОН КООПЕРАТИВ БИЛИМ ЮРТИ

(Андижон шаҳри, Навоий проспекти, 96-уй)

Кундузги ўқишга: саноат моллари сотувчилари, озиқ-овқат моллари сотувчилари, маданий моллар сотувчилари, контролер-кассирлар, ошпазлар.

КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ:

Кундузги бўлимга 30 ёшгача бўлганлар, сиртқи бўлимга эса ёшидан қатъи назар, 8 йиллик ёки ўрта мактаб ҳажмида маълумоти бўлганлар ва кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганлар қабул қилинади.

Ариза ўқув юрти директори номига ёзилади, унга қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти ҳақида ҳужжат (асли), 286-формадаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан корхона раҳбари томонидан тасдиқланган кўчирма, кооператив ташкилот йўлланмаси, 3x4 см, ҳажмидаги 4 та фотосурат. Паспорт, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, ҳарбий билет ёки рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади

8 йиллик маълумот ҳақида гувоҳномага эга бўлганлар кундузги ва сиртқи бўлимларнинг 1 курсига: ўрта умумий таълим мактабини битирганлар кундузги бўлимнинг 2 курсига ва сиртқи бўлимнинг 3 курсига қабул қилинадилар.

Аризаларни қабул қилиш кундузги бўлим 8 йиллик мактаб базасидаги группаларга 31 июлгача, ўрта мактаб базасидаги группаларга 14 августгача, сиртқи бўлимга 10 августгача ўтказилади.

Кириш имтиҳонлари бир неча потокларда қабул қилинади.

Кирувчилар: 8 синф маълумотлилар группаларига барча бўлимда математика (оғзаки), она тили (диктант), ўрта маълумотлилар группаларининг товаршунослик ва овқат тайёрлаш технологияси бўлимларига — она тили ва адабиёт (иншо), химия (оғзаки), ўрта маълумотлилар группаларининг китоб товаршунослиги бўлимига — она тили ва адабиёт (иншо), СССР тарихи (оғзаки)дан кириш имтиҳони топширадилар.

КООПЕРАТИВ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА

8 йиллик ёки ўрта умумий таълим мактабларини битирган, 30 ёшгача бўлганлар қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), 286-формадаги медицина справкаси, 3x4 см. ҳажмидаги 4 та фотосурат, кооператив ташкилот ва корхона йўлланмаси. Паспорт, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, ҳарбий билет ёки рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Кооператив ҳунар-техника билим юртларига кирувчилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ошпазлар учун ўқиш муддати — 2 йил, қолганлар учун 1 йил.

В. А. БИЛБАС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Луначарское шоссе, Кольский переулоги, 1-уй)

Кундузги ўқишга: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш, сув хўжалиги системаларининг автомат қурилмаларидан фойдаланиш.

Сиртқи ўқишга: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш.

В. В. ПОСЛАВСКИЙ НОМИДАГИ АНДИЖОН ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Андижон области, Марҳамат шаҳри, Советская кўчаси, 1-«а»-уй)

Кундузги ўқишга: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш, гидротехник қурилиш, сув хўжалиги системаларининг автомат қурилмаларидан фойдаланиш.

Сиртқи ўқишга: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш, гидротехник қурилиш.

Кечки ўқишга: гидротехник қурилиш

САМАРҚАНД ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Самарқанд шаҳри, Севастополь кўчаси, 63-уй).

Кундузги ўқишга: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш, гидротехник қурилиш.

Сиртқи ўқишга: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш, гидротехник қурилиш.

НУКУС ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Қорақалпоғистон АССР, Нукус шаҳри, Кўкўзак кўчаси, 20-уй)

Кундузги ўқишга: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш.

Сиртқи ўқишга: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш.

УРГАНЧ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Хоразм области, Урганч шаҳри, Гурлан кўчаси, 1-уй).

Кундузги ўқишга: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш, гидротехник қурилиш.

Кечки ўқишга: гидротехник қурилиш.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги

1982–83 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМЛАРИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Сиртқи ўқишга: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш, гидротехник қурилиш.

СУРХОНДАРЁ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Сурхондарё области, Қумқўрғон шаҳри, Стадион кўчаси, 20-уй)

Кундузги ўқишга: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш.

Сиртқи ўқишга: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ:

Гидромелиорация техникумларига 8—10 синф ҳажмида маълумотли, 30 ёшгача бўлганлар қабул қилинади. Кечки ва сиртқи бўлимларга ёш чекланмайди.

8-синф ҳажмида маълумотлилар рус тили (диктант) ва математика (оғзаки)дан, ўрта маълумотлилар рус тили ва адабиёт (иншо) ва математика (оғзаки)дан кириш имтиҳони топширадилар.

Ўрта мактаб базасидаги группага кирувчилар агар ўрта мактабда рус тилини миллий ўрта мактаб программаси ҳажмида ўтган бўлсалар, иншо ўрнига баён ёки диктант ёзишлари мумкин.

Кундузги бўлим группаларида ўқиш муддати — 8-синф маълумотлилар учун 3 йилу 10 ой; 10-синф ҳажмида маълумотлилар учун 2 йилу 8 ой.

Сиртқи бўлим группаларида ўқиш муддати — 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун 4 йилу 10 ой, 10-синф ҳажмида маълумотлилар учун 2 йилу 8 ой.

Кечки бўлим группаларида ўқиш муддати — 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун 4 йилу 6 ой; 10-синф ҳажмида маълумотлилар учун 3 йилу 3 ой.

Кириш имтиҳонлари кундузги бўлимда 1—20 августгача; кечки бўлимда 8-синф ҳажмида маълумотлилар группасида 7 августдан 14 августгача; 10-синф ҳажмида маълумотлилар группасида 20 ноябргача; сиртқи бўлимда 1 ноябрдан 15 декабргача ўтказилади.

Кундузги, кечки ва сиртқи бўлимга берган аризасига мувофиқ қуйидагилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар: 8 йиллик мактабни мақтов қоғози, ўрта мактабни олтин медаль билан битирганлар, ўрта ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан битириб чиққанлар, шунингдек, ўрта мактабни битириб «Айрим фанларни ўрганишда эришган алоҳида хизматлари учун» мақтов ёрлиғи билан мукофотланганлар — агар шу фанлардан кириш имтиҳонлари бўлса; СССР Қуролли Кучлари, СССР Давлат хавфсизлиги комитети органларидан, СССР Ички ишлар министрлиги органларидан штатлар қисқариши муносабати билан, саломатлиги ва кўп йил хизмат қилганлиги туфайли запасга бўшатилган офицерлар, прапорщиклар, мичманлар, узоқ муддатли ҳарбий хизматчилар (бўшатилганидан сўнг 2 йил давомида);

СССР ўрта махсус ўқув юртларига 1982 йилда қабул қилиш қоидаларининг 23-моддасига биноан, қабул қилиш қоидаларига асосан белгиланган ариза қабул қилиш муддати тугашигача бўлган 4 кун ичида кундузги, кечки ва сиртқи бўлимга конкурслар асосида 8 йиллик ёки ўрта мактабни, ўрта ҳунар-техника билим юртини «4» ва «5» баҳоларда битирганлар агар техникумдаги шу ихтисос бўйича планли бир ўринга берилган аризалар конкурси ўтган йилга нисбатан 1,4 дан ошмаган тақдирда кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Кириш имтиҳонларида ижобий баҳо олган қуйидагилар конкурсдан ташқари қабул қилинадилар: кундузги бўлимга: ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатилган ва ҳарбий қисмларнинг тавсияномасига эга бўлган ҳарбий хизматчилар;

Ўрта махсус ўқув юртларига корхона, қурилиш, колхоз, совхоз ва бошқа ташкилотлар томонидан СССР Министрлар Советининг кўрсатмасига мувофиқ йўлланганлар;

камида икки йиллик амалий иш стажига эга бўлганлар;

ота-она таъминотисиз қолган болалар ва етим болалар умумий таълим мактаб-интернатларининг 8-синфини битиргандан сўнг.

Кечки ва сиртқи бўлимга: КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг кўрсатмасига биноан корхоналар, колхозлар, совхозлар ва муассасаларда кираётган ихтисосига тааллуқли соҳада камида 3 ой ишлаб, йўлланма билан келганлар;

Ўқув юртида танлаган ихтисоси ёки шу ихтисосга турдош соҳада камида 2 йиллик амалий иш стажига эга бўлганлар, шунингдек, запасга бўшатилган ҳарбий хизматчилар, агар улар ҳарбий хизматда эгаллаган мутахассисликлари ўқув юртида танлаган ихтисосига тааллуқли бўлса;

техника билим юртларини имтиёзли диплом билан битирганлар ўқишга ўз мутахассислиги бўйича кираётган бўлсалар.

Техникум директори номига ёзилган қабул қилиш ҳақидаги ариза кундузги бўлимга — 31 июлгача 8-синф ҳажмида ва 14 августгача 10-синф ҳажмида; кечки бўлимга — 6 августгача — 8-синф ҳажмида; 15 ноябргача — 10-синф ҳажмида; сиртқи бўлимга — 2 октябрдан 30 ноябргача қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), 3x4 см. ҳажмида 4 та фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси, меҳнат ёки колхоз дафтарчасидан кўчирма (амалий иш стажига эга бўлганлар учун), саноат корхоналари, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан ўқишга командировка қилинганлар эса ягона формадаги йўлланма топширадилар. Паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ҳарбий билет ёки рўйхатга олинганлик ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Ўқишга қабул қилинганлар умумий асосларда стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги

В. А. БИЛБАС НОМЛИ ТОШКЕНТ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

1982–1983 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш ва сув хўжалиги системаларидаги автомат қурилмаларни эксплуатация қилиш.

8-синфни битирган, 30 ёшгача бўлган гражданлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 3 йилу 10 ой.

Техникумга кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: она тили (диктант), **математика** (оғзаки).

Ўрта мактабнинг 8-синфини «4» ва «5» баҳолар билан тамомлаганлар гидромелиорация ишларини механизациялаш ва сув хўжалик системаларидаги автомат қурилмаларни эксплуатация қилиш бўлимларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Шаҳодатномасида «3», «4» ва «5» баҳолари бўлган шаҳслар эса умумий тартибда кириш имтиҳонларини топширадилар.

Ўрта мактабнинг 10 ва 11-синфини тамомлаганлар II курсга қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 2 йилу 8 ой.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонларини топширадилар: она тили ва адабиёт (иншо), **математика** (оғзаки).

Кириш имтиҳонлари — 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Аризалар директор номига 31 июлгача (10—11-синфни битирганлар 14 августгача) **қуйидаги ҳужжатлар билан бирга топширилади:** маълумоти ҳақида шаҳодатнома ёки етуклик аттестати (асли), 4 дона фотосурат (3x4 см. ҳажмида), соғлиги ҳақидаги справка (286-форма), меҳнат стажига эга бўлганлар меҳнат ёки колхоз дафтарчасидан кўчирма топширадилар.

Паспорт, ҳарбий билет ёки қайд этилганлик ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Техникумга қабул қилинганлар умумий қоидага асосан стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, 7-алоқа бўлими, Кольский переулоги, 1-уй (1«э», 17«э», 24«э»-автобуслар; 17, 18-троллейбусларнинг «Марказий статистика бошқармаси» бекати; 13, 22-трамвайларнинг «Гидромелиорация техникумиҳ; метронинг «Максим Горький» станцияси бекатлари). Телефонлар: 66-15-12, 66-06-47, 66-20-30.

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982–1983 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлайди: ёритиш тармоқларининг электр монтажчиси, иккиламчи занжирлар коммутацияси бўйича электр монтажчи, автоматика ва контрол-ўлчов асбобларини тузатиш бўйича слесарь, киномеханик (фильмларни текшириш ишини биладиган), радиотелевизион аппаратураларга хизмат кўрсатиш ва тузатиш бўйича радиомеханик, электр-газ пайвандчи.

Билим юртига 8 — 10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 — 3 йил.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига тўлиқсиз ўрта маълумотлилар группасига кириб уч йил ўқиганлар ўрганган касби ҳақида ва тўлиқ ўрта маълумот ҳақида диплом оладилар. Улар кунига уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар;

Билим юртига ўрта маълумотлилар группасига кириб бир йил ўқиганлар ўқиш даврида ҳар ойда 76 сўмдан стипендия оладилар (киномеханик ва радиотелемеханиклардан тащқари), ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 33 процентини (электро-монтажчилар группасидаги ўқувчилар эса иш ҳақининг 50 процентини) оладилар.

Билим юртида эшкак ва бокс бўйича ихтисослаштирилган спорт группалари ташкил этилмоқда.

Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар электромонтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирсалар ётоқхона билан таъминланадилар. Улар учун ўқиш муддати қисқартирилган: ўрта маълумотлилар 7,5 ой, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар эса 10,5 ой ўқийдилар. Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Билим юртини битирганлар техникумлар ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар эса корхоналардаги мажбурий хизматни ўтамай, ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун йўлланма билан юборилдилар.

Билим юрти яхши жиҳозланган спорт базасига эга. 14 та спорт секцияси доимо ишлайди. Техника ижоди тўгараги ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

Ариза ва ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00дан 17.00гача қабул қилинади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси, турар жойидан справка, 3 x4 см ҳажмдаги 4 дона фотосурат, туғилганлиги тўғрисидагв гувоҳнома (ёки ҳарбий билет) шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановолик тўқимачилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 18, 33, 34, 45-автобусларнинг, 2, 6, 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

Р. 02109. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 168. 10